



Абдулазиз МАНСУР,  
Ўзбекистон муслмонлари идораси  
раисининг ўринбосари

## ДУОЛАРИМИЗНИНГ ИЛДИЗИ

*“Ё Раб, фойда бермайдиган илмдан, Сендан қўрқмайдиган қалбдан, холис бўлмаган амалдан, қабул бўлмайдиган дуодан, тўйишни билмаган нафсдан асрашингни сўрайман”.*

**Шарҳи:** Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу муборак дуоларида инсон учун зарарли беш нарсдан асрашини Аллоҳ таолодан сўраганлар. Бу беш нарса одамларни турли фалокатларга етаклайди.

Биринчиси – фойда бермайдиган илм. У ҳазми оғир овқатга ўхшаб, шахсий ва ижтимоий зарарларга сабаб бўлади. Илм фойдали бўлиши, қалбга нур олиб кириши керак.

Иккинчиси – Аллоҳ таолодан қўрқмайдиган қалб. Агар Аллоҳ таолодан қўрқиш қалбда соқчидай турса, инсон барча ёмонликлардан ўзини тияди. Акс ҳолда, у жамиятга ҳар қандай ваҳший махлуқдан кўпроқ зарар етказиши мумкин. Шу боис Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ҳикматнинг боши Аллоҳдан қўрқишдир”, деганлар.

Учинчиси – холис бўлмаган амал. Инсоннинг амали эътиқодига яраша бўлади. Фақат соф эътиқод билан қилинган амалинигина Аллоҳ таоло қабул қилади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) холис бўлмаган амални қилишдан Аллоҳ

таолодан паноҳ тилаганлар, барча амалларини холис қилиб, бизга буюк намуна кўрсатганлар. Инсонда нафс, шайтон васвасаси ғолиб экан, тоатибодатлари, Аллоҳ таоло асрасин, кўз-кўзлаш, риё бўлиб қолиши мумкин.

Тўртинчиси – тўйишни билмаган нафс. Ояти каримада бундай дейилади: **“Яна (ўткинчи эканини билатуриб) мол-дунёни қаттиқ муҳаббат билан сеvasиз”** (Фажр, 20).

Инсоннинг қорни тўйса ҳам, кўзи тўймайди. Бунга нафс сабабчи. Нафс кетидан югурувчилар гоҳида мол-мулкка муккасидадан кетиб, бутун маънавият оламини унутиб қўйишади. Мол-дунёга буткул асир бўлиб қолишади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай ёмон туйғулардан паноҳ беришини Аллоҳдан сўраганлар.

Алишер Навоий бундай дейдилар: “Оз демак ҳикматга боис ва оз емак сиҳҳатга боис”. Ёки улуг шоирнинг ушбу байтига эътибор қилинг:

*Нафским, ул айши мудом истагай,  
Сенга гуноҳ, ўзига ком истагай.*

Бешинчиси – қабул бўлмайдиган дуо. Банда холис дуо қилсагина қабул бўлади. Дуо лабдан эмас, кўнгилдан чиқиши керак. Тилдаги дуонинг илдизи кўнгилда бўлсин. Инсон дуосини чин юракдан қилмаса, ҳақиқий дуо қилган ҳисобланмайди. Аслида кўнгил тубидаги пок ихлос билан дуо қилиш ва Аллоҳ таолога ёлвориш керак. Инсон ожиз банда эканини дуо қилганида сезади. Дилдан чиқмаган дуоларни Аллоҳ таоло қабул қилмайди. Шу боис Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қабул бўлмайдиган дуолардан ҳам асрашини тилаб, Аллоҳ таолога илтижо қилганлар.



# АЛЛОҲ САБРЛИЛАРНИ ЯХШИ КЎРАДИ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

وَاللَّهُ يُحِبُّ الصَّابِرِينَ

“...Аллоҳ сабрлиларни яхши кўради”  
(Оли Имрон, 146).

إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْمُحْسِنِينَ

“...Аллоҳ яхшилик қилувчиларни  
хақиқатан яхши кўради” (Моида, 13).

وَإِنْ حَكَمْتَ فَأَحْكُم بَيْنَهُم بِالْقِسْطِ

إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْمُقْسِطِينَ

“...Агар ҳукм чиқарадиган бўлсангиз,  
улар ўртасида адолат билан ҳукм чиқаринг.  
Аллоҳ адолатлиларни хақиқатан  
яхши кўради” (Моида, 42).

... فَإِذَا عَزَمْتَ فَتَوَكَّلْ عَلَى اللَّهِ

إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْمُتَوَكِّلِينَ

“...Бир нарсага жазм қилсангиз, Аллоҳга  
таваккал қилинг. Аллоҳ Ўзига таваккал  
қилувчиларни хақиқатан яхши кўради” (Оли  
Имрон, 159).

## «HIDOYAT»

Ойлик диний-маърифий,  
илмий-адабий нашр

Муассис

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

Бош муҳаррир

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН

Тахрир ҳайъати

Усмонхон АЛИМОВ  
Абдулазиз МАНСУР  
Абдураззоқ ЮНУС  
Ортиқбек ЮСУПОВ  
Анвар ТУРСУН  
Аҳад ҲАСАНОВ  
Зоҳиджон ИСЛОМОВ  
Абдулхамид ТУРСУН  
Ҳайдархон ЙЎЛДОШЎЖАЕВ  
Баҳодир КАРИМОВ  
Эркин МАЛИК  
Муҳаммад Шариф ЖУМАН  
Юсуфжон ИСҲОҚ  
Исомиддин ОЛИМОВ  
Абдул Жалил ХЎЖАМ  
(Бош муҳаррир ўринбосари)  
Аҳмад МУҲАММАД

Муқова

«Voris Design» маркази билан  
ҳамкорликда тайёрланди.

Бадий муҳаррир

Хайруллоҳ ҚУДРАТУЛЛОҲ ўғли

Саҳифаловчи

Юсуф САБУРОВ

Маттни

Раҳима КАРИМЖОН қизи билан Зебунисо  
теришди.

Манзилимиз:

100069 Тошкент шаҳри  
Зарқайнар 18-берк кўча 47а-уй;  
Тел: 240-45-62, тел.факс: 227-34-30.  
Интернет сайтимиз: [www.hidoyat.uz](http://www.hidoyat.uz)  
Интернет почтаимиз: [hidoyat\\_jurnali@mail.ru](mailto:hidoyat_jurnali@mail.ru)  
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва  
ахборот агентлигида рўйхатга олинган.  
Гувоҳнома рақами 0177.

Босишга 2010 йил 8 апрелда рухсат берилди.  
Босмахонага 2010 йил 12 апрелда топширилди.  
Қоғоз бичими 60x84<sup>1/8</sup>. Адади 38300 нусха.  
976-сон буюртма. «Shaғq» нашриёт-матбаа  
ҳиссадорлик компаниясида босилди.

Қўлёзмалар қайтарилмайди.

Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан  
фарқ қилиши мумкин. Келтирилган иқтибос  
ва рақамлар учун муаллиф масъул.

Хат юборилганида исмлар тўлиқ, манзил аниқ ёзилсин.

Мақолалар кўчириб босилса ёки иқтибос олинса,  
«Ҳидоят»дан олингани кўрсатилиши шарт.

## МУНДАРИЖА

<b>Ҳадис шарҳи</b>	
Абдулазиз МАНСУР	
Дуоларимизнинг илдизи .....	1
<b>Таянч нуқта</b>	
Аллоҳ сабрлиларни яхши кўради .....	2
<b>Мазҳабимизни ўрганамиз</b>	
Муҳаммадҷон ҚОРАЕВ	
Имом Абу Юсуф ибн Иброҳим .....	4
<b>Баркамол авлод йили</b>	
Раҳматуллоҳ УСМОҲОВ	
Талаба ёшлар келажакимиз .....	7
<b>Илм масканларида</b>	
Илм олишда илк қадам чиройли одобдир .....	8
<b>Маълумотхона</b>	
Улугбек РУЗИМАТОВ	
Куръони каримнинг нодир нусхаси .....	10
<b>Насиҳат</b>	
Иzzат истасанг .....	10
Чиройли сабр .....	10
<b>Яхшиликка чақириш</b>	
Муҳаммад ТУРАҚУЛОВ	
Саломатлигимиз асоси .....	11
<b>Хотира</b>	
Шавкат РАҲМОН	
Болаларга қолсин жаннат еримиз .....	12
<b>Имомларимиз</b>	
Омонullo ИСМОИЛОВ	
Барака устоз дуосидир .....	14
<b>Олисларга саёҳат</b>	
Аҳмад ТУРСУН	
Шри Ланка Республикаси .....	16
<b>Аёллар саҳифаси</b>	
Оналикнинг ҳам одоблари бор .....	18
<b>Адабий таҳлил</b>	
Нурбой АБДУЛҲАКИМ	
Кўрар кўзларнинг нури илмдандир .....	23
<b>Шеърят</b>	
Фозил ЗОҲИД	
Ўзимизга ўхшайлик .....	24
Мардон БҮРИЕВ	
Йўлим бор .....	25
<b>Мактубларда манзаралар</b>	
Сайёра ТУРСУНОВА	
Бувамнинг дуоси .....	25
Ҳайдарали НАЗАРОВ	
Ўқитувчиларга маъқул бўлди .....	25
<b>Яхшиликка чақириш</b>	
Муҳаммадий АБДУРАҲИМОВ	
Аксиришнинг хислатлари .....	27
<b>Тўёна</b>	
МУЛЛАНАФАС	
Мардларнинг мардонидир .....	28
<b>Яхшиликка чақириш</b>	
Абдумутал ОТАБОВ	
Кўнгил поклиги катта бахт .....	29
Асатулло НОРМУРОТОВ	
Оилада тежамкорлик .....	29
<b>Мусулмон одоби</b>	
Фарҳод ҲОМИДОВ	
Рухсат сўраш одоблари .....	30
<b>Муносабат</b>	
Зумрад ФОЗИЛЖОН қизи	
Бўш қўйгандан маҳкамроқ тутган яхши .....	31
<b>Тиббиёт бурчаги</b>	
Ҳабиба РУСТАМОВА	
Болаларни буқоқдан асралик .....	32

Муқованинг 1-саҳифасида: Бухородаги “Баҳоуддин Нақшбанд” мажмуаси. Хайруллоҳ Қудратуллоҳ ўғли суратга олган.

## Ёмонликдан қайтариш

Муҳаммадназар ҚАЮМОВ

ГУНОҲЛАРНИНГ  
КАТТАЛАРИ

5

Ўлчов ва тарозидан уриб қолиш, кишининг ҳақини алдов йўли билан ейишнинг ҳам охири ҳалокат. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ўлчовда ҳалол ва адолатли бўлмаганлари боис аввал ўтган баъзи умматлар ҳалокатга учраганини унутманглар”, дея кўп бор таъкидлаганлар.

## Саҳобалар ҳаёти

Абдураҳмон РАЪФАТ ПОШО

## ҲАБИБ ИБН ЗАЙД

Ҳабибнинг отаси Зайд ибн Осим, онаси Умму Амора Насиба ал-Мозиния Ақоба аҳдида қатнашган инсонлардан эди. Укаси Абдуллоҳ эса Уҳуд куни Пайғамбаримизни (алайҳиссалом) ҳимоя қилган. Коинот фаҳри (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу оила ҳаққига Аллоҳнинг раҳмати ва баракасини тилаб дуо қилганлар.

## Хабарлар

## ИСЛОМ ВА ОЛАМ

Динларни ёмонотлик  
қилишга қарши

22

БМТ инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг шу йил 1–26 март кунлари Женева шаҳрида ўтган 13-сессиясида ушбу масала муҳокама этилди. Жумладан, ғарбнинг айрим оммавий ахборот воситалари неча йиллардан бери билиб-билмай, Ислом дини, мусулмонлар тўғрисида хато тасаввурларни ёйишга уринишаётгани қораланди.

## Яхшиликка чақириш

Хуршид РҶЗИЕВ

УМРИМИЗНИ  
УЗАЙТИРАДИГАН АМАЛ

Динимиз қариндош-уруғлар билан яхши алоқада бўлишга, оғир-енгилда уларни қўллаб, далда бериб туришга буюради. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Ким Парвардигорига тақво қилса ва қариндошликни боғласа, моли кўпаяди, ўлим муддати ортга сурилади, яқинлари уни яхши кўради», деганлар (Ибн Умар).

26



# ИМОМ АБУ ЮСУФ ИБН ИБРОҲИМ

Имом Абу Юсуф ибн Иброҳим ибн Ҳабиб Ансорий Куфий (113–182 ҳижрий/731–798 милодий) мазҳаббошимиз Имом Абу Ҳанифанинг (Аллоҳ раҳмат қилсин) етук шогирдларидан, буюк фақиҳ, мужтаҳид олимдир. Алломанинг Юсуф исми ўғли бўлиб, шу боис уни “Абу Юсуф”, (Юсуфнинг отаси) деб чақирибган. Абу Юсуф Ислом тарихида илк бор “Қози ал-кузот”

(буюк қози) номига сазовор бўлган олимдир. Ўн олти йил қозилик қилади. Маҳдий, Ҳодий ва Ҳорун Рашид каби аббосийлар олимга юксак эҳтиром кўрсатишган.

Абу Юсуф (Аллоҳ раҳмат қилсин) олдин ҳадис илми ни мукамал эгаллайди. Ҳишом ибн Урва, Абу Исҳоқ Шайбоний, Ато ибн Соиб ва бошқалардан ҳадис ривоят қилади. Фиқҳ илмида эса Ибн Абу Лайлога шогирд тушади. Сўнгра мазҳаббошимиз Имоми Аъзам Абу Ҳанифадан дарс олиб, мужтаҳидлик даражасига етади.

Аллома ёшлигида кийимларни ювиш ва оқартириш ишларида онасига ёрдам беради. Олимнинг ўзи бу давр ҳақида: «Фақирлик чоғимда ҳадис ва фиқҳни ўрганишга ҳаракат қилдим. Бир куни Абу Ҳанифанинг ёнида ўтирган эдим. Онам мени имлаб,



ташқарига чақирди ва: “Сен Абу Ҳанифага ўзингни тенглаштира, унинг нони бутун, сен эса ҳаётимизни таъминлашга мажбурсан”, деди. Онамнинг сўзига кириб, илм дарсларига бормамай қўйдим. Бир қанча вақт ўтгач, устозим Имом Абу Ҳанифа мени ахтариб топдилар ва дарсга қайтишимни сўрадилар. Мен у зотга рўзғор ташвишларидан ортиб, ўқишга вақт тополмаётганимни айтдим. Шунда устозим Имом Абу Ҳанифа ақча солинган бир халтачани менга тутқаздилар. “Шуни ишлатиб тур”, дедилар. Шундан сўнг ҳам муҳтожликдан чиқиб, бой бўлиб кетгунимча мендан ёрдамларини аямадилар», деб хотирлайди.

Абу Юсуф устози Имоми Аъзам Абу Ҳанифанинг (Аллоҳ раҳмат қилсин) дарсларини жуда чанқоқлик би-

лан, берилиб тинглаган.

Имом Абу Юсуф мужтаҳидлик даражасига етганидан сўнг баъзи масалаларда устозидан фарқлироқ ижтиҳод ҳам қилган.

Имом Абу Юсуф Абу Ҳанифа мазҳабида биринчи китоб ёзган олимдир. Бошқа мазҳаблар олимлари ҳам Имом Абу Юсуфни юксак ҳурмат қилишган.

Аббосийлар даврида ҳанафийлик расмий мазҳаб эди. Фиқҳ

қоидалари ҳаёт синовларидан ўта бошлаган ўша йиллари Абу Юсуф мазҳаббошимиз Имоми Аъзам кўрсатмалари кенг тарқалишида жонбозлик қилган биринчи шогирди бўлди.

Имом Абу Юсуфнинг бизгача етиб келган “Китоб ал-Хирож” (Хирож китоби), “Ал-амолий” (Имлолар), “Ал-осор” (Хабарлар), “ар-Радду ала сиярил Авзоъий” (Авзоъийнинг “Сияр” китобига раддия) каби асарлари маълум.

Имом Абу Юсуф (Аллоҳ раҳмат қилсин) ҳижрий 182 йили (милодий 798) оламдан ўтади.

**Муҳаммаджон ҚОРАЕВ,**  
“Ҳожа Бухорий”  
Ислом ўрта-махсус билим  
юрти мударриси

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Аллоҳ таоло амр этади: «...**Болаларинг-ни қашшоқликдан (қўрқиб) ўлдирманглар – Биз сизларни ҳам, уларни ҳам ризқлантирурмиз, фахш ишларнинг ошқорасига ҳам, пинҳонасига ҳам яқинлашманглар, Аллоҳ тақиклаган (жон)ни ноҳақ қатл қилманглар! Шояд ақл ишлатасизлар деб Аллоҳ ана шу нарсаларга буюради. То вояга етгунича етимнинг молига яқинлашманглар, магар чиройли йўл билан (яқинлашишларинг мумкин). Ўлчов ва тарозини адолат билан тўла адо этинглар!» (Анъом, 151-152).**

...وَلَا تَقْتُلُوا أَوْلَادَكُمْ مِمَّنْ إِمْلَقْتُمْ نَحْنُ نَرْزُقُكُمْ وَإِيَّاهُمْ وَلَا تَقْرُبُوا الْفَوَاحِشَ مَا ظَهَرَ مِنْهَا وَمَا بَطَّنَ وَلَا تَقْتُلُوا النَّفْسَ الَّتِي حَرَّمَ اللَّهُ إِلَّا بِالْحَقِّ ذَلِكُمْ وَصْنَكُمْ بِهِ لَعَلَّكُمْ تَعْقِلُونَ ﴿١٥١﴾ وَلَا تَقْرَبُوا مَالَ الْيَتِيمِ إِلَّا بِالَّتِي هِيَ أَحْسَنُ حَتَّىٰ يَبْلُغَ أَشُدَّهُ وَأَوْفُوا بِالْكَيْلِ وَالْمِيزَانِ بِالْقِسْطِ ...

## ГУНОҲЛАРНИНГ КАТТАЛАРИ

Ибн Масъуд (розийаллоху анҳу): “Ким Расулуллоҳнинг (саллаллоху алайҳи ва саллам) васиятларини билмоқчи бўлса, ушбу оятларни ўқисин”, деганлар.

Қашшоқликдан қўрқиб, тирик жонни ўлдириш кишилик ҳаётида бўлган энг ёмон ишлардандир. Жоҳилият даврида баъзилар боқа олмасликдан қўрқиб, ёки қиз туғилса, оила шаънига доғ туширади, деган васваса билан фарзандларини ўлдиришгани маълум. Ибн Масъуд (розийаллоху анҳу) Пайғамбаримиздан (соллаллоху алайҳи ва саллам): “Гуноҳларнинг каттаси қайси?” деб сўраганида, у зот: “Сени яратган Аллоҳга бирор нарсани тенглаштиришинг”, “Ундан кейинги катта гуноҳ қайси?” деганида: “Сен билан бирга овқат емоғидан қўрқиб, фарзандингни ўлдирмоғинг”, дедилар. “Сўнгра қайси?” деб сўраганида: “Қўшнингнинг аёли билан зино қилмоғинг”, дедилар (*Муттафақун алайҳ*).

Аллоҳ таоло фахш ва бузғунчиликларнинг каттаю кичигини ошқора ҳам, махфий ҳам қилмасликка буюради. Ҳадисда: “Ҳеч кимнинг рашки Аллоҳникидан кўра кучли эмас. Шунинг учун ҳам У ошқора ва махфий тарздаги фахш ишларни ҳаром қилди” (*Муттафақун алайҳ*), дейилган.

Ноҳақ қон тўкишни динимиз қаттиқ қоралайди. Қалби соғлом, виждонли ин-

сон бундай жирканч ишга қўл урмайди. Барча замонларда одам ўлдириш оғир жиноят ҳисобланган. Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам): “Мўмин кишига мўмин кишининг уч нарсаси ҳаром: моли, қони ва обрўи”, – деб марҳамат қилганлар.

Етимлар жамиятнинг энг ожиз ва ҳимоясиз аъзолари, Ислом динида уларга ғамхўрлик қилиш, яхши муносабатда бўлиш савоби катта амал саналади. Етимнинг мол-мулки бўлса, уни сақлаш, хиёнат қилмаслик, ҳалол йўлда имкон қадар кўпайтириб бориш керак. Аксинча, ҳимоясизлигидан фойдаланиб, ўзлаштириб олиш ёки унинг молидан ортиқча харажатлар қилиш айни гуноҳдир.

Ўлчов ва тарозидан уриб қолиш, кишининг ҳақини алдов йўли билан ейиш кўпинча тижорат ишларида кўзга ташланади. Бундай ярамас ишнинг ҳам охири ҳалокат бўлиши тайин. Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам): “Ўлчовда ҳалол ва адолатли бўлмаганлари боис аввал ўтган баъзи умматлар ҳалокатга учраганини унутманглар”, дея кўп бор таъкидлаганлар.

**Муҳаммадназар ҚАЮМОВ,**  
Ўзбекистон мусулмонлари идораси  
Масжидлар бўлими мудири

Абдулрахмон Раъфат ПОШО

# ҲАБИБ ИБН ЗАЙД

Саҳобалардан Зайд ибн Осимнинг (розийаллоҳу анҳу) уйида имон-этиқод шукҳи ва хотиржамлик ҳукм сурарди. Уй эгаларининг ҳар бири имон-этиқоди мустаҳкам, чин ихлосли кишилар эди. Ҳабиб ибн Зайд ал-Ансорий ҳам (Аллоҳ ундан рози бўлсин) худди шу бахтли хонадонда улғайди.

Ҳабибнинг отаси Зайд ибн Осим, онаси Умму Амора Насиба ал-Мозиния Ақоба аҳдида қатнашган инсонлардан эди. Укаси Абдуллоҳ эса Ухуд куни Пайғамбаримизни (алайҳиссалом) ҳимоя қилган. Коинот фаҳри (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу оила ҳаққига Аллоҳнинг раҳмати ва баракасини тилаб дуо қилганлар.

\* \* \*

Ҳабиб ибн Зайд Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) садоқатини ҳар қадамида исботлаб яшади. Унинг ёлғончи Мусайламага Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) хатларини олиб боргани воқеаси тарих саҳифаларидан муносиб ўрин олган.

...Ҳижрий тўққизинчи йили Исломи дини қаддини тиклаб, мўмин-муслмонлар оёққа туриб олишди, шухратлари ён-атрофларга ёйила бошлади. Араб жазирасининг турли бурчакларида яшовчи қабилалар вакиллари Ясрибга келишар, Аллоҳнинг пайғамбарига имон-этиқодларини изҳор этиб, у зотга итоат қилишларини билдиришар эди.

Бир куни Нажд воҳасидаги Бани Ҳанифа қабиласидан ҳам вакиллар келишди. Туяларини Мадина ташқарисида қолдириб, уларга қараб туришни Мусайлама ибн Ҳабиб ал-Ҳанафий исмли кишига тай-



инлашди. Ўзлари Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига бориб, қабиладошларининг барчаси Исломни қабул этганини маълум қилишди. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) Бани Ҳанифа вакиллари иззат-икром билан кутиб олдилар, ҳаммаларига ҳадялар бердилар, ҳатто тўяларга қараб қолган Мусайламани ҳам эсдан чиқармадилар.

\* \* \*

Мусайламанинг бузғунчилиги, ёлғончилиги кучайиб кетавергани боис Расулulloҳ (алайҳиссалом) уни залолатдан қайтариш учун бир хат тайёрлатдилар. Чопарлик вазифасини Ҳабиб ибн Зайдга юкладилар. Ўша пайтда Ҳабиб имон-этиқодда баркамол, куч-қуввати жўшқин ва тадбирли йигит эди. У Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) мактубларини Бани Ҳанифа макон тутган Нажд ўлкасига олиб борди ва Мусайламага топширди. Хат билан танишиб чиққан Мусайламанинг кўнглида ғарази ва адовати яна ҳам кучайди. Одамларига Ҳабибни кишанлашни буюрди.

\* \* \*

Эртасига Мусайлама оломон олдида ғазаб билан Ҳабиб ибн Зайдни сўроққа тутди:

– Муҳаммаднинг Аллоҳ элчиси эканига гувоҳлик берасанми?

– Албатта, – деди Ҳабиб.

– Менинг Аллоҳ элчиси эканимга-чи?!

– Қулоғим оғирроқ, нима деганингни эшитолмадим...

Бундай жавобдан Мусайлама ғазабга миниб, илон каби тўлғана бошлади. Одамларига яна Ҳабибнинг оёқ-қўлига кишан солишни буюрди.

*«Пайғамбар саҳобийлари тарихи» китобидан тайёрланди.*

# ТАЛАБА ЁШЛАР КЕЛАЖАГИМИЗ

Мадрасамизга Хожа Бухорий номи берилган. У зотнинг асл исм-шарифлари Саид Аҳмад Кулоҳдўз Хожа Бухорийдир. Аллома Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари билан бир замонда яшаган, баъзилар қариндоши ҳам дейишади. Ўзи кулоҳ (бошкийим) тўқиб, оддий ҳаёт кечирган.

Бухорои шарифдан ҳозирги Китоб, Шаҳрисабз томонларга илму маърифат ёйиш мақсадида келади. Тез орада одамлар эътиборига тушиб, шу ерда яшаб қолади.

Билим юртимиз 1992 йил очилган. Ҳозиргача 850 нафарга яқин ўқувчи қабул қилиниб, 545 талаба битириб чиқди. Уларнинг кўпи

масжидларда имом, таълим муассасаларида мударрислик қилишяпти. Баъзилари бошқа олий ўқув юртларида ўқишмоқда.

Жорий йилнинг «Баркамол авлод йили» деб номланиши талабаларимизнинг ғайратига ғайрат қўшди. Қироат, ақида, тафсир, фикҳ, Ислом тарихи ва араб тили, шунингдек, миллий истиқлол ғояси, математика, чет тили, кимё, она тили ва адабиёт, информатика, иқтисод фанларини чуқур ўзлаштиришяпти. Талабаларнинг илм ва касб маҳоратини пухта эгаллашлари учун шароитларимиз яхши. Қуръон, тафсир ва ҳадис илмларини компютер ёрдамида ўрганишади.

Мадрасамизда 27 мударрис дарс беради. Улар орасида фан номзодлари, олий тоифали ўқитувчилар бор. Мавъизалар, дарслар кўргазмали қуроллар ёрдамида ўтилади. Ахборот-ресурс маркази ишлаб турибди. Вакилларимиз таълим муассасалари ўртасида бўлаётган кўрик-танловларда, спорт му-



собақаларида қатнашиб, яхши натижаларга эришишмоқда. Ёшлар – келажагимиз давомчилари. Шундай экан, улар билимли, маънавиятли, одоб-ахлоқли комил инсонлар бўлишлари учун барча чора-тадбирларни кўришимиз керак.

**Раҳматуллоҳ УСМОНОВ,**  
«Хожа Бухорий»  
Ислом ўрта-маҳсу  
билим юрти мудири



# ИЛМ ОЛИШДА ИЛК ҚАДАМ ЧИРОЙЛИ ОДОБДИР

*Донишмандлар: “Илми олишда тўрт нарса: отанинг моддий таъминлаши, она-нинг едириб-кийдириши, устознинг холис дарс бериши ҳамда талабанинг иштиёқи жуда муҳимдир. Аммо талабанинг ўзида илмга кучли қизиқиш бўлмаса, тиришқоқлик этишмаса, ота-онанинг ғамхўрлиги ҳам, устознинг куюниб дарс айтиши ҳам фойда бермайди”, дейишган.*

*Китоб шахридаги «Хожа Бухорий» Ислом ўрта-махсус билим юртига борганимизда, вақт кеч бўлса-да, талабалар дарс такрор қилишаётган экан. Уларнинг интилишлари, илмга чанқоқлиги аниқ кўриниб турарди. Бизни навбатчи мударрислар қарши олишди. Талабалар тураржойида, ёндош қурилган масжид хонақоҳи ва дарсхоналарда бўлаётган мутолаа ва суҳбатларни кўриб, йўл чарчоғини ҳам унутдик. Талабаларга халал бермай, мударрисларни суҳбатга тортдик.*

**Ўткир Ғузоров**, мудирнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари:

– Талабалар эртага бўладиган “Заковат” танловига тайёргарлик кўришяпти. Фан-



ларни қандай ўзлаштиришаётганини текшириш учун ҳар ойда шундай илм мусобақалари ўтказишни йўлга қўйганмиз. Буюк алломаларимизнинг ҳаёти, асарлари тўғрисида савол-жавоб баҳсларини уюштирамиз. Билим юртимизда «Талабалар илмий жамияти» тузилган. Иқтидорли ёшлар мутафаккирларимиз меросини ўрганиб, мақолалар, илмий ишлар тайёрлашади. Ёшларимизни етук инсонлар, малакали мутахассислар қилиб тарбиялаш

ҳар биримизнинг бурчимиз. Мударрисларимиз тумандаги таълим масканлари ва маҳаллаларда «Қўпоровчи оқимлар ва уларга қарши кураш», «Миссионерлик ва унинг салбий оқибатлари», «Ўз жонига қасд қилишнинг аянчли оқибатлари» каби мавзуларда учрашувлар, суҳбатлар ўтказишяпти.

**Махтумқули Тошқулов**, мударрис:

– Илм олиш энг яхши амаллардан. Куръони каримда жоҳилларнинг ёмон амалларига уларнинг илмсизлиги сабаб дейилади. Тингловчини илмга жалб қилишда мавзу моҳиятини тушунтириш зарур. Талабанинг билимини холис баҳолаб, вақти-вақти билан руҳлантириб туриш керак. Билим беришда асло миннат қилинмайди. Донишмандлар: “Миннат қилиб, яхшиликларингни йўқотиб қўймагин”, дейишган.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Илм бу дин. Динларингни кимдан олаётганларингга эътибор қилинг-

лар”, деганлар. Ҳадисни шарҳлаган уламолар: “Устоздаги ҳар бир хислат, фазилат, ҳатто зеҳну заковат ҳам шогирдга ўтади”, дейишган. Талабанинг одоб олиши илм таҳсилидаги биринчи қадами ҳисобланади. Яна бир ҳадисда: “Илм бу дарахт, одоб унинг меваси. Агар дарахт бўлмаса, мева қаердан пайдо бўлади”, деганлар. Демак, илм ва одоб эгизак тушунча, бири бўлмаган жойда иккинчиси ҳам бўлмайди.

**Фармонқул Расулов**, мударрис:

– Дунёвий фанларни ҳам оят ва ҳадисларга боғлаб ту-







шунтиряпмиз. Мударрисларнинг далилларни ўрнида ишлатиши туфайли физика, кимё ва математика, астрономия фанларини талабалар яхши ўзлаштирамоқда. Баъзан талабаларни мустақил фикрлаш учун излантирамыз. Бу усул уларнинг қўшимча адабиётлар билан танишиб, таҳлил қилиш қобилиятини эгаллашларида қўл келяпти.

**Мавлуда Шукурова, муаллима:**

– Билим масканига меҳрим тушган. Таътил пайтларида ҳам қизларимни соғиниб, келиб-кетиб тураман. Тотли таом пиширадиган ошпаздан вазир: “Қозонга биринчи нима солинади”, деб сўраса, у “Меҳр солинади,” деган экан. “Меҳр берсанг, меҳр топасан”, деб бежиз айтишмаган. Билим ва одоб беришда ҳам меҳр кўрсатиш жуда зарур. Аждодларимиз тушунтириш, ўрнатма бўлиш, насиҳат қилиш, огоҳ этиш каби усулларни кенг қўллашган. Раҳматли ойим: “Болани урсанг эти, сўксанг бети қотади, унга эринмай тушунтириш керак”, дер эдилар.

**Ҳикматуллоҳ Тоштемиров, мударрис:**

– Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Осонлаштиринг, қийинлаштирманг, яхши кўрсатинг, нафратлантириб қўйманг”, деганлар (Имом Бухорий ва Муслим). Дарс пайтида илмнинг фойдаларини англашамиз. Илм-сизлик эса жоҳиллик эканини айтамыз. Амаллар ниятга боғлиқ. Илм олишда ҳам молдунёга эришиш, бошқа олимлардан устун бўлишдек ниятлар қилиш ярамайди. Талабанинг илми устозлари ва ёр-дўстларига бўлган ҳурмати билан қадрлидир.

\* \* \*

*Эртаси куни фикҳ фани бўйича заковат танловида биринчи босқичнинг «Б» гуруҳи ғолиб бўлди. Айрим талабаларнинг фикрларини сўрадик.*

**Икром Рўзикулов, талаба:**

– Билим юртимизда талабалар илм олишлари учун ҳамма шароитлар етарли. Бой кутубхо-

надан, интернет тармоғидан фойдаланишимиз мумкин. Устозларимиз биздан ёрдамларини аяшмайди.

**Дилфуза Комилжонқизи, талаба:**

– “Меҳр нури” жамоат жамғармаси стипендиясига лойиқ топилдим. Устозларнинг ўғитларига амал қилиб, кўп нарсаларни ўрганипман. Билим юртимизда йилдан-йилга шароитлар яхшиланиб борапти. Замонавий жиҳозланган, янги бинода таълим оляпмиз. Баркамол авлод йилида биз ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрлик зиммамизга янада катта масъулият юклайди.

**Нодир Жалолов, талаба:**

– Кемалар йўлдан чалғимасин деб соҳилда ҳар-ҳар жойга баланд маёқлар ўрнатишади. Билимли, самимиятли устозларимни шундай маёқларга ўхшатаман. Улар бизни кенг фикрлашга, улуғлардан ибрат олишга ундашади, доимо яхшиликка интилувчан бўлишга чақиришади. Инжиқликларимиздан малолланмай, дарс бераётган устозларимизнинг кези келганида дардқаш ҳам бўлишлари бизга куч бағишлайди.

**Абдувоҳид НУРУЛЛОҲ ўғли**  
*тайёрлади.*





## ҚУРЪОНИ КАРИМНИНГ НОДИР НУСХАСИ

«Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармасининг Наманган вилоят бўлимида Қуръони каримнинг ноёб кўлэзма нусхаларидан бири сақланмоқда. Мусҳафнинг мазкур нусхаси ҳажм жиҳатидан анча катта: бўйи 74 см., эни ярим метр, қалинлиги 12 см., оғирлиги йигирма бир ярим кило. Мусҳафни иқтидорли хаттот ҳижрий 1291 (милодий 1874) йили насх аралаш сулс хатида кўчирган. Хаттот исми ёзилган жой йиртилиб йўқолган. Мусҳаф чувстик атоқли аллома Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий хонақоҳига вақф қилинган. Китобни Муҳаммад Холдорбой 1911 йили ўғли Мулла Ҳакимжонга қолдиради.

Ушбу Мусҳаф 1995 йили Фахриддин Ашрафхўжаев бошлиқ Амир Темур экспедицияси чоғида Қирғизистон Республикасида бир қария хонадонидан топилган эди. Отахон Мусҳафни асл эгалари – наманганликларга қайтарди, вилоят ҳокимлиги қарияни тақдирлади.

**Улугбек РЎЗИМАТОВ,**  
Наманган

## ИЗЗАТ ИСТАСАНГ

Аллоҳ таолога чин таваккал қилган киши Аллоҳ таоло унга тақдир ва тақсим қилган нарсага рози бўлган кишидир” (*Бишр Хофий*).

Орифлар айтишади: “Ким меҳнатни рад этса, суннатни рад этган, ким таваккални рад этса, имонни рад этган бўлади”.

“Таваккал Пайгамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ахлоқларидандир. Ҳалол касб қилиш у зотнинг суннатларидандир. Ким у зотнинг ахлоқлари билан хулқланса, суннатни асло тарк қилмайди”.

“Касб-ҳунар қиладиган одамларнинг изидан борган киши комилдир” (*Иброҳим Ҳаввос*).

“Агар сен доимий иззатга эга бўлишни истасанг, ўткинчи иззатга қизиқма (*Ибн Абто Сакандарий*).

## ЧИРОЙЛИ САБР

Абдуллоҳ ибн Аббос (розийаллоҳу анҳу) айтади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мусибат етганида: “Улуғ

ва Ҳалим Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ. Улуғ Арш Парвардигоридан ўзга илоҳ йўқ. Ер, осмон ва Арш Парвардигоридан ўзга илоҳ йўқ”, дер эдилар. Бизларга ҳам шундай дуо қилишни ўргатардилар».



Ёқуб (алайҳиссалом): “Энди (менинг ишим) **чиройли сабр-дир**” (*Юсуф, 83*), деганлар. Одамлар: бу оятнинг “**чиройли сабр**” жумласидаги “**сабр**”ни тушундик. “**Чиройли сабр**”нинг маъноси нима, деб сўрашганида, уламолар: “Сабр қилиш билан бирга бошқаларга айтиб, шикоят қилмасликдир”, дейишган.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Ҳазрати Юнуснинг (алайҳиссалом): “**Сендан ўзга илоҳ йўқдир. Сен (барча) нуқсонлардан поксан. Дарҳақиқат, мен (ўзимга) зулм қилувчилардан бўлдим**” (*Анбиё, 87*) дуоларини айтиб, “Ким шундай дуо қилса, ижобат бўлади”, деганлар.

**Юлдуз КОМИЛ қизи**  
тайёрлади.





Аллоҳ таоло бизга яшаб турган еримизни озода сақлашни, обод қилишни буюрди. Атроф-муҳитга зарар етказишдан қайтарди. Куръони каримда: «**Ерни** (Аллоҳ хайрли ишларга) **яроқли қилиб кўйганидан кейин** (унда) **бузгунчилик қилманглар!**» дея амр этилган (*Бақара, 205*); Бошқа бир оятда эса: «**Энди инсон ўзининг таомига** (ибрат кўзи билан бир) **боқсин: Биз** (осмондан) **сувни мўл ёғдирдик. Сўнгра**

дейишади. Масалан, суви ифлосланиб кетган ариқларда вабо, узоқ муддат туриб қолган ошхона чиқиндиларида ўткир-ичак касалликлари, уй супуриндисиди ичбуруғ ва куйдирги, очиқ ётган ахлат уюмларида сил микроблари етилар экан. Чиқиндини жойига элтиш асосан болаларга буюрилади. Улар бу ишни қандай бажариши билан баъзилар қизиқишмайди. Фарзандимизнинг кўлидаги ахлат тўла елим халта махсус

ҳорий уйғониш, покликнинг улуғ бир ҳодисаси экани таъкидланган. Шу боис табиатни озода сақлашга ҳисса қўшиш ҳам савоби улуғ ишдир. Яна бир гап: доимо соясалқин жойларга ошиқамизу, аммо яшаб турган уйлари-миз атрофини кўкаламзорлаштириш баъзан “эсимиздан чиқади”. Ҳар кўклам мевали, манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилганга ғайрат қилишга одатланайлик. Чунки дарахтлар чанг-ғуборни ютиб, ҳаво-

## САЛОМАТЛИГИМИЗ АСОСИ

**ерни** (гиёҳлар унсин деб) **ёрдик. Сўнгра Биз унда донларни ундирдик, узум ва кўкатларни, зайтун ва хурмоларни, қалин дарахтзор боғларни, меваю гиёҳларни ҳам.** (Буларни) **сизлар ва чорва ҳайвонларингиз ейиши учун** (яратдик)» (*Абаса, 24–32*), деб марҳамат қилинади.

Тупроқ, сув, ҳаво ва бошқа неъматлар ифлосланишига йўл қўймай, тоза сақлашимиз керак. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Уч жойга: ариқларга, йўлларга ҳамда соя-салқин ерларга ахлат ташлаб, лаънатга қолишдан кўрқинглар”, деганлар (*Абу Довуд*). Мусулмон киши ҳадисда айтилган ишлардан сақланиши, бошқаларни ҳам бундай қилишдан яхши сўз билан қайтариши керак.

Соғлом ҳаёт кечиримиз кўп жиҳатдан табиатга қандай муносабатда бўлишимизга боғлиқ. Биз бу борада қандай йўл тутяпмиз? Афсус, мақтагудай эмас... Ҳовли ва кўчаларни тоза тутишга баъзиларимиз лоқайд қараймиз. Шифокорлар уй атрофлари, кўчаларда йиғилиб қоладиган ахлат уюмларини касаллик тарқатувчи микроблар ўчоғи

кутиларга етиб бормамай, уйимиз атрофида қолиб кетма-яптими? Афсус, айримларни бу ҳол сира ҳам ташвишлан-тирмайди...

Табиатни асраш инсониятни асраш демақдир. Унга берган меҳримиз, эътиборимиз ўзимизга қайтади. “Соғ танда соғлом ақл” деган ҳикматнинг мағзини чақайлик. Ҳар куни умр дафтаримиздан янги саҳифа очилгани каби, оламнинг сурати ҳам янги-ланади. Бу яшариш инсонни фикрлашга ундайди. Кеча ва кундуз алмашиб, бири узайса, иккинчиси қисқаради. Биз уларни кузатиб, умримизнинг ҳисобини шу кеча ва кундузлар билан ўлчаймиз. Фасллар янгиланса, инсонларнинг кийимлари, таомлари, ҳатто машғулотлари ҳам ўзгаради. Бу ҳақда Аллоҳ таоло: **«Яна кеча ва кундузнинг алмашиб туришида ва Аллоҳ осмондан ёғдириб, у билан “ўлган” ерни “тирилтирган” ризқ (ёмғир) да ҳамда шамолларнинг йўналтирилишида ақл юргизадиган кишилар учун аломатлар бордир»**, деб марҳамат қилган (*Жосия, 5*).

Кўкламги ўзгаришлар оятда **“тирилиш”** дейилган. Ба-

ни тозалайди, саломатлик учун фойда келтиради.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Қайси бир мусулмон бирор кўчат ёки экин экса, ундан қуш, одам ёки бирор жонивор еса, эккан кишига садақа савоби ёзилади”, деганлар (*Имом Бухорий*).

**Муҳаммад ТўРАҚУЛОВ,**  
*Андижон шаҳар “Боботаваккул”  
жомеи имом-хатиби*



# Болаларга қолсин жаннат еримиз

\* \* \*

Субҳидамда ям-яшил дарахт  
деразамга юзини босди,  
керишгандай ойнак сатҳига —  
гулларини оҳиста ёзди.

Қирчиллаган шабада келди,  
кўпирганча шошиб, қувониб,  
Баҳор, жисми очилиб, яшнаб,  
босиб кетди атир тумани.

Кўтарилар заминдан қудрат  
шаббаларнинг учига қадар,  
бирдан яшил шохларда тилло  
ғўралар ҳам товланиб кетар.

Гўё қуёш парчалангандай...  
Фарқ қилади оламни фараҳ.  
Ҳар баҳорда менга эринмай  
яшамоқни ўргатар дарахт.



## Гуллаётган тош

Манови қора тош —  
Вақт кафтларида  
триллион маротаба кичрайтирган тун —  
жонсиздай ётаркан, ўткир кўзимга  
тобора шубҳали кўринур ҳар кун —  
гўёки жонлидай,  
гўё бир куни  
тўсатдан гуркираб гуллайдигандай,  
гўёки ҳозирча ўтмас кўзлардан  
сирларни яшириб ухлаётгандай.  
Гўёки кузатиб ўткинчиларни  
мангу ҳаракатнинг юкин таширкан,

зўр бериб ўйлайди “қай аср қулай,  
сирин очса бўлар қайси асрга?..”

Тош ҳам гулларми деб,  
минглаб калтабин  
гурзисин дўлайтиб йиғилган пайтда,  
мардона илжайиб, кўрасиз, дедим,  
бир куни гуллайди бу тош албатта.  
Балки тош ҳозироқ  
гуллаётгандир,  
минг рангли жилода яшнаб, ўзгариб.  
Балки бу гулларни кўрмаётгандир  
ҳатто шоирнинг ҳам ўткир кўзлари...



## Савдогар ва тўтиқуш

Қушларни суярди савдогар азал,  
шундан топар эди кўнгил хушини.  
Ҳамма қушларидан кўрарди афзал  
одамдай гапирган тўтиқушини.  
Яна бир эрмаги тижорат эди,  
тевалар кўзғолиб қолди бир наҳор.  
Савдогар қафасбанд тўтига деди:  
“Ҳинд сори борурман,  
не тилагинг бор?”  
“Эй саховатли зот,  
кўнглим хўб чоғдир,  
биринчи тилагим — соғ-саломат қайт,  
иккинчи тилагим — фалон боғдаги  
тўтилар қавмига мендан салом айт”.  
Йил ўтди.  
Сафардан қайтар маҳалда  
карвон тўти айтган макондан ўтди.  
Бир кавсар эди-да,  
товланиб лаълдай

шоҳларда тизилмиш минглаган тўти.  
Хушфёъллик ҳамиша керакли хислат,  
аввал салом айтди,  
андин сўнг калом:  
“Турон боғларидан бир тўти сизга  
камина орқали йўлади салом”.  
Ҳаво тўлқинланди чексиз оҳлардан,  
ногоҳ гуж оғочлар тўлғонди оғир —  
тўтилар тўкилди зумрад шоҳлардан,  
рангин шуъалардай  
тўкилди бир-бир.



Бу ҳолдан қўзғалиб қолди тевалар,  
Савдогар қайғуриб-қайғуриб қайтар.  
Бу ёмон хабарни  
шўрлик беватан —  
йўл қараб ўлтирган тўтига айтар.  
Эй воҳ,  
бу қандайин кўргилик бўлди,  
савдогар ҳайратда —  
ўнгими ё туш —  
бу ёмон хабардан тўтиқуш ўлди,  
ўлди саройини безаб турган қуш.  
Савдогар бўзлади,  
Бўзлади ёмон,  
кўнглини безаган қушни йўқотди.  
Қафаснинг эшигини очгани замон  
“ўлган” қуш ўзини осмонга отди.  
“Эй саховатли зот,  
кечиргил мени,  
қушларнинг тилини фақат қуш билгай.  
Уларнинг бир сири очайин энди —  
бири банди бўлса, бари йиқилгай...”  
...Шу-шу узлат қилиб,  
ҳаққа етгандай,  
ҳалиям кўнглига сиғмай ҳатто зар,  
ушбу воқеани ўтган-кетганга  
гапириб юрармиш хушфёъл савдогар.



## ЯХШИ ИНСОН ЭДИЛАР



Таниқли дин хо-  
димларидан бири,  
Тошкент шаҳридаги  
«Ҳазрати Имом» жо-  
меъ масжиди им-  
ом-хатиби Каримул-  
лоҳхон Ҳафизуллоҳ  
ўғли Иномов вафот  
этдилар. **Инна лил-  
лаҳи ва инна илай-  
ҳи рожиъун.**

Каримуллоҳхон Ҳафизуллоҳхон ўғли ях-  
ши инсон, етук олим, иқтидорли воиз,  
сўзи таъсирчан хатиб, мумтоз адабиёт би-  
лимдони эдилар. Каримуллоҳхон ҳожи  
гўзал хулқлари, инсоний фазилатлари, ки-  
шиларни яхшиликка чорлаш ва ёмонлик-  
лардан қайтаришга хизмат қилувчи сер-  
мазмун мавъизалари билан айниқса «Тил-  
ла Шайх» ва «Ҳазрати Имом» масжидла-  
ри қавмининг чексиз муҳаббати ва эҳти-  
ромини қозонган эдилар.

Каримуллоҳхон Иномов 1954 йили На-  
манган вилоятининг Чуст туманида туғил-  
ди. Олдин Бухородаги “Мир Араб” мад-  
расасида таълим олди. 1982 йили Имом  
Бухорий номидаги Тошкент Ислоҳ инсти-  
тутини битирганларидан кейин тўрт йил  
Самарқанд шаҳридаги «Ҳожа Зудмурод»  
жомеъ масжидида имом-хатиблик қилди.  
1986 йилдан 1998 йилгача Наманган ви-  
лоятидаги «Худойберди Эшон» жомеъ  
масжиди имом-хатиби, 1998–2007 йил-  
лари Тошкент шаҳридаги «Тилла Шайх»  
жомеъида имом-хатиб бўлиб ишладилар.  
2007 йилдан буён янги қурилган «Ҳазра-  
ти Имом» жомеъ масжиди имом-хатиби  
эдилар.

Аллоҳ таолодан Каримуллоҳхон ҳожини  
Ўз раҳматига олиб, жойларини Фирдавс  
боғларидан қилишини, у кишининг оила  
аъзоларига, яқинларига ва барча мусул-  
монларга чиройли сабр ато этишини  
сўраймиз.

# БАРАКА УСТОЗ ДУОСИДАДИР

Тошкентдаги «Новза» жомеъ масжиди имом-хатиби Омонулло қори ИСМОИЛОВ билан суҳбат



– Домла, сиз динимиз учун кўп йиллардан буён самарали хизмат қилаётган тажрибали имомларимиздансиз. Одамлар орасида кўп юрган, очин-тўқин кунларни кўрган ва маҳаллакўй, масжид қавмининг меҳрига тушган устозлардансиз. Суҳбатимиз бошида талабалик йилларингиз, устозларингиз ҳақида гапириб берсангиз.

– Бухородаги «Мир Араб» мадрасаси 1950 йили иш бошлаган бўлса, мен 1951 йили талабаликка қабул қилиндим. Ўша пайтда хоналар зах, шарт-шароитлар етарли эмасди. Курсда йигирма нафар боламиз. Ҳаммамиз танлаб қабул қилинганмиз. Устозлар ҳам сараланган, кунт билан дарс ўтишади. Улар олдида одобсизлик қилиб қўйишдан ниҳоятда қўрқардик. Дошқозонда пиширилган овқат гоҳо етиб-етмай қоларди. Кўпинча рўза тутардик, баъзан қорнимиз очса, бир оз миз-

ғиб олиб, яна дарсга шўнғирдик. Бир сафар чет эллик меҳмонлар хузурига уч-тўрт талабани чақиртиришди. Улар орасида мен ҳам бор эдим. Муфтий Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхоннинг ҳовлисида Қуръон тиловат қилдик. Раҳмон сурасини «Кулли ман ғалайҳа фан...» оятигача тиловат қилдим. «Ўқийтганига қанча бўлди», деб сўрашди. «Олти ой бўлди» деган эдилар, меҳмонлардан бири «Машааллоҳ», деб қўйди. Шунда ҳазрат Эшон Бобохоннинг кўнгиллари юмшаб: «Талабаларимдан умидим катта. ...Юртимизда қурилган мадраса ва масжидлар баракотидан Аллоҳ таоло мени ҳам савоблардан баҳраманд қилса», дея кўзёшларини артдилар. Сўнг меҳмонлар ҳаққимизга дуо қилишди.

«Новза» масжиди 1948 йили очилган. 1968 йилнинг ўртабрида мени устозим Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон масжидга имом этиб тайинладилар. У кишининг яхши кўрган шогирдларидан эдим. Баъзан кўлимдан ушлаб: «Масала айтсанг, ҳужжатлари билан келтир. Ҳадисларнинг саҳиҳ, заифларига эътибор қил. Беш вақт намозни масжидда жамоат билан ўқи. Масжид қавмининг хизматидан қочма. Маънисиз гапирган кишининг сўзини инобатга олмасанг ҳам, сабр қилиб эшит. Каттанинг ҳам, кичикнинг ҳам иззат-хурматини жойига қўй», деб насиҳат қилардилар. Мана, қирқ икки йил-

дан бери хизматим шу масжидда. Устозимнинг ўғитлари ҳозиргача қулоғимда жаранглаб турибди.

– Йиллар ўтиши билан одамлар ҳам ўзгаради. Яъни, онги юксалади, илми ортади. Маънавий-ахлоқий томонлари, турмуш тарзи, шароитлари яхшиланади. Домла, ўша давр билан бугунимизни таққослаб айтинг-чи, қандай ютуқ ва камчиликларимиз бор?

– У давр ёшлари билан ҳозиргиларни қиёслаинми? Бугунги талабалар она кўлидаги бола каби эъзозда, барча шарт-шароит етарли. Нолинишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Бизлар яқин-яқинларгача ямоқли кийимлар кийганмиз. Ҳар йили уч ой пахта теримига чиқардик. Ёзги таътилда ҳам ишлаб, раҳматли онамга ёрдам берардим. Шукрли бўлиш, бугунги неъматлар қадрига етиш қанчалар муҳим... Бугун ёшларимиздан фақат ғайрат билан ўқиш-ўрганиш талаб қилинади.

Бир йили Имом Бухорий қабрини зиёрат қилиш учун меҳмонлар келадиган бўлиб, Абдумалик қори иккаламизни ўқишдан Самарқандга жўнатишди. Борсак, зиёратгоҳ атрофи чангалзор, ташландиқ ҳолда экан. Ҳовузнинг хазонлар билан тўлиб, димланиб ётгани ҳамон кўз ўнгимда. Уч кун ичида нари-бери тозалашиб, деворларга гилам осишди, атроф ўралди. Ўшанда анчадан бери ҳеч ким бормай қўйган хонақоҳ атрофи зиёратчилар билан тўлиб





кетган. У пайтларда бугунгидай эркинлик қайда дейсиз. Ҳатто ҳайит намозларида ҳам одамлар ҳеч ким кўрмасин деб юрак ҳовучлаб туришарди.

Садриддин қори ака ва Абдураззоқ домла билан Ҳазрати Имомга, “Тилла Шайх” жомеида бўлиб ўтган биринчи қурултойга бордик. “Тилла Шайх” масжиди олдига баландлиги уч метрча сўри ўрнатилиб, деворларга гилам осилган. Устозлардан ҳазрат Эшон Бобоҳон, Зиёвуддин қори ака, Қозоғистон қозиси Сокин Ҳазрат ва Ўшдан келган Шафоат ҳожи домлалар сўзга чиқишди. Сўнгра Мулла Абдураззоқ иккимиз Қуръон тиловат қилдик. Мен Тоҳа сурасидан ўқидим. Халқимизнинг олимлар суҳбатига, Қуръон эшитишга чанқоқлигини сўраманг, роса олқишлашди. Мажлис сўнгида: “Келажакда талабаларимизнинг мартабаси улуг бўлиб, динимиз ривожига ва миллатимизга хизматлари сингсин”, деб дуолар қилишди. Бу билан нима демоқчиман? Устозлари ва ота-онасининг дуолари сабаб талабанинг илмига барака берилади. Яхши дуо олган талабанинг юриш-туришида ўзгача салобат, самимият сезилиб туради.

Талабада уч хислат бўлмас экан, ўқиб олим бўлолмайди: камтаринлик; илмга иштиёқ; устозга ҳурмат. Камтарлик кишини гурур ва кибр-ҳаводан сақлайди. Илм иштиёқ билан уламолардан “сўраб-суғуриб” олинади. Устозга ҳурмат туфайли талаба олимлар билан боғланади. Устозларга, олимларга ҳурматсизлик қилиш илмдан баракани кўтаради ва инсонни тубанлаштиради.

Абдуллоҳ ибн Аббосдан (Аллоҳ у кишидан рози бўлсин): «Бу илмга нима билан етишдингиз?» деб сўрашганида: «Сўровчи тил, ақли

қалб, малолланмайдиган юрак ва меҳнаткаш қўл билан», деган эканлар. Баъзи ривоятларда эса: «Қийинчиликда ҳам, хурсандчиликда ҳам сабр қилувчи бадан билан», деб қўшиб қўйилгани айтилади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам талаба ўзини сабр-бардошга ўргатса, илми кўпаяди.

– **Домла, донишмандлар: «Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин», дейишган. Шу маънода айтинг-чи, баркамол авлодни тарбиялашда нималар муҳим ҳисобланади?**

– Аллоҳ таоло одамзотни ҳурматлаб, улкан имкониятлар эшиги томон йўналтириб қўйди. Қуръони каримда: «**Биз Одам фарзандларини азиз-мукаррам қилдик**», дейилган. Демак, инсон у неъматлар қадрига етиб, улардан яхшилик йўлида унумли фойдаланишга ҳаракат қилиши керак. Бироқ комилликни истаган киши энг биринчи ўринда маънисиз гап-сўзлардан тийилиши, оғир, нафсидан устун бўлиши, билганига амал қилиши зарур. Ҳалоллик, ростгўйлик, қўли ва тили билан бошқаларга озор бермаслик энг гўзал инсоний фазилатлардир. Билганига амал қилиш олимлик бўлса, бундай фазилатнинг бошқаларда ҳам бўлишини иташ одамийликдир. Одам ўзи амал қилмаган ишларни бошқаларга буюришидан ҳечам фойда йўқ. Чунки моддий ва маънавий покланиш холис амал билан юзага келади. Бу ҳақиқатни ота-онанинг хулқи, фазилатлари фарзандларида топилишидан ҳам билсак бўлади. Бола улғайганидан сўнг улфатлари, яқин дўстларининг кимлигига диққат қилиш керак. Расулул-

лоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Уйдан олдин қўшнини, йўлдан олдин йўлдошни танланг”, деганлар. Талабалик пайтимизда устозимиз Эшон Бобоҳон ҳазратлари (домланинг юраги тўлиб, кўзлари ёшланди) бизга ушбу ҳадисни такрор-такрор айтар эдилар: «Жаноби Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дуода: “Вужудим ва қоматимни чиройли қилганингдек, ахлоқимни ҳам гўзал қилгин”, деб сўраганларида, саҳобалар: “Сизнинг ахлоқингиз яхши экани ҳаммага маълум, сиз Қуръонда мақталган зотсиз”, дейишади. Шунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Мен бу дуони қиёматгача келадиган умматларимга мерос қолдираман”, деган эканлар».

Демак, баркамол авлодни вояга етказишда гўзал ахлоққа ва фойдали илм олишга тарғиб этиш жуда ҳам зарур. Келажакда юртимиздан яна Имом Бухорий, Имом Термизий ва Бурҳонуддин Марғиноний каби улуг олимларнинг муносиб издошлари етишиб чиқишига ишончим комил. Аллоҳ таоло юртимизни доимо тинч, янада баракотли қилсин!

**Абдувоҳид ЎРОЗОВ**  
суҳбатлашди.



# ШРИ ЛАНКА РЕСПУБЛИКАСИ



**Жуғрофий ўрни.** Шри Ланка Демократик Социалистик Республикаси Ҳинд уммонидаги Сейлон оролига жойлашган. Уни Ҳиндистон яриморolidан Полк бўғози ва Манар қўлтиғи ажратиб туради. Сейлон оролининг табиати чиройли, ўсимлик ва ҳайвонот олами жуда бойдир.

**Тарихи.** Сейлон оролига илк бор Ҳиндистондан одамлар келиб ўрнашишган. Ёзма манбаларда қайд этилишича, илк Ҳинд қабилалари шаҳзода Вижая бошчилигида милоддан олдинги бешинчи асрда бу ерга келишади. Улар оролда шоли етиштиришни йўлга қўйишади. Кейинчалик уларнинг туб аҳоли билан аралашуви натижасида сингал халқи шаклланади. Оролда биринчи давлат милоддан ол-



**Майдони:** 65 610 кв. км.  
**Аҳолиси:** 19,5 миллион киши.  
**Пойтахти:** Коломбо шаҳри.  
**Тузumi:** республика.  
**Давлат бошлиғи:** президент.  
**Маъмурий тузилиши:** 9 та вилоят ва 25 та ҳудуд (дистрикт)-га бўлинган.

**Йирик шаҳарлари:** Дехивала-Маунт-Лавиня, Жафна, Канди.  
**Пул бирлиги:** ланка рупийи.

динги учинчи асрда тузилган. Қабилаларо тўқнашувлар милоднинг бешинчи асрида бу давлатнинг парчаланиб кетишига олиб келди ва тамил босқинчилари оролнинг катта қисмини эгаллаб олишди. Шундан кейин сингал ва тамил ҳукмдорлари салкам икки аср ҳокимият учун курашишди.

Саккизинчи асрда Анухадрапурда сингал сулоласи мустаҳкам ўрнашиб олди. Мамлакат ҳукмдори катта ер майдонларига эгалик қила бошлади, феодал тартиблар жорий қилинди. Ўн учинчи асрга келиб аҳоли оролнинг марказий ва жанубий-ғарбий қисmlарига кўча бошлади. Икки юз йилдан сўнг бу ерда учта йирик: орол марказида Котте ва Кандида сингалларнинг давлатлари, Жафнада эса тамиллар давлати тузилди.

1517 йили португаллар ҳарбий куч таъсирида Котте давлати ҳукмдорлари билан савдо шартномаси тузишга эришишди ва оролда етиштирилади-



ган зиравор, чой ва бошқа маҳсулотларни Оврупада сотиш ҳуқуқини олишди. Шундан кейин ҳолландлар, португаллар, инглизлар ўртасида оролга эгалик қилиш учун рақобат кучайиб кетди. 1802 йили Сейлон Буюк Британиянинг алоҳида мустамлакасига айланди. Ўн тўққизинчи асрнинг иккинчи ярми ва йигирманчи аср бошларида мамлакат асосан инглизларнинг хомашё ўлкаси бўлди.

Сейлон ва қўшни ўлкалар





етиштириш ва четга сотиш ташкил этади. Оролдан графит, туз, қимматбаҳо тошлар ҳам қазиб олинади. Шоли етиштириш ва балиқчилик яхши йўлга қўйилган. Четга чой, кийим-кечак, газлама, қимматбаҳо тошлар, зираворлар сотади. Четдан эса оғир

фоизи сингаллар, 19 фоизи тамиллар, 7 фоизи маврлар, қолгани ҳолландлар, малайлар ва туб-жой қабила вакиллари, яъни веддалардир.

**Дини.** Мамлакат жами аҳолисининг 69 фоизи буддавийлар, 15 фоизи ҳиндукийлик оқими-



халқларининг авж олиб кетган миллий-озодлик ҳаракатлари натижасида 1948 йил 4 февралда инглиз ҳукумати Сейлон мустақиллигини тан олишга мажбур бўлди. 1972 йил 22 майда Сейлон Шри Ланка Республикаси деб эълон қилинди. Мамлакатнинг янги Асосий Қонуни ишлаб чиқилди. 1983 йили ҳукумат қўшинлари мухториятни ва кейинроқ Сейлондан ажралиб чиқишни талаб қилган тамилларга қарши ҳаракат бошлашди ва Жафна вилоятини эгаллашди. Аммо «Тамил халоскор йўлбарслари» номини олган жангарилар ҳамон вақти-вақти билан бош қўтариб туришади.

**Иқтисоди.** Шри Ланкада кўпроқ қишлоқ хўжалиги ривожланган, чет эл сармоядорларининг улуши катта. Иқтисодиёт асосини чой, каучук, кокос палмаси маҳсулотлари

машинасозлик маҳсулотлари, транспорт ускуналари, нефт, қурилиш ашёлари, чорвачилик маҳсулотлари, озиқ-овқат сотиб олади. Ҳиндистон, Япония, АҚШ, Сингапур, Тайван, Хитой, Эрон, Олмония билан сав-



до алоқалари яхши йўлга қўйилган.

**Аҳолиси.** Мамлакат худудининг бир квадрат километрига ўртача 291 киши тўғри келади. Аҳолининг катта қисми — 73

га эътиқод қилади, 8 фоизи насронийлар, яна шунчадан кўпроғи мусулмонлардир. Ҳозир мамлакатда бир ярим миллион

нафардан ортиқ мусулмон яшаб турибди. Уларнинг асосий қисми ўтмишда бу ерларга келиб қолган араблардир. Пойтахт Коломбода, шунингдек, Деват, Канди шаҳарларида ўнлаб жомеъ масжиди қурилган. Диний адабиётлар нашр этиш, масжид-

лар учун малакали имом-хатиблар тайёрлашга ҳам эътибор кучаймоқда. Бир гуруҳ олимлар ва адиблар Куръони карим маъноларини сингал тилига таржима қилиш устида ишлашяпти.

**Аҳмад ТУРСУН**

Манбалар:

1. «Страны мира», справочник. Москва, 2003 г. стр. 274-276.
2. «Атлас мира», справочник. Москва, 2003 г. стр. 52-53.
3. Интернет сайтлари.



# ОНАЛИКНИНГ ҲАМ ОДОБЛАРИ БОР



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист  
Раҳима ШОМАНСУРОВА билан шифокор  
Умида ФАЙЗИЕВА суҳбати



## Раҳима Шомансурова:

– Миллатнинг соғлом бўлиши аввало оналарга боғлиқ. Шундай экан, онанинг ҳам жисман ва ҳам руҳан соғ бўлиш баркамоллик сари қўйилган биринчи қадамдир.

Тетапоя пайтиданоқ қиз бола табиатида оналик меҳри сезилади. У қўғирчоғини бағрига босиб, эркалайди. Аллоҳ таоло аёл зотини оналик унвони билан шарафлаган, шундай эмасми?

## Умида Файзиева:

– Аёл зоти жисмонан ва маънан оналикка буюрилгани ҳақ гап. Айтганингиздек, қиз бола ҳали гўдаклигида ноқ атрофга меҳр билан боқади. Улардаги бу меҳрни юксалтиришда онанинг ўрни алоҳида. Мазкур жараёнда эса уларнинг саломатлиги жуда муҳим. Бунда масъулият фақат шифокоргагина тушмайди. Соғлиқни сақлаш халқаро ташкилотининг маълум қилишича, фарзанднинг соғлом вояга етишида шифокорлар ҳиссаси 8 фоиз, қолган 92 фоизи бошқа омилларга боғлиқ экан.

## Раҳима Шомансурова:

– Тириклик, авлодлар давомийлиги никоҳ ва оила би-

лан. Оила тотувлиги ва болаларни яхши тарбиялаш аёлларимизнинг энг муҳим бурчларидир.

## Умида Файзиева:

– Соғлом фарзанд ўстиришни ҳамма истайди. Лекин негадир кўпинча никоҳ тўйи олдидан ёшларни тиббий кўриқдан ўтказишга қийналамиз. Уларни бу ишга гўё мажбурлагандек жалб қиламиз. Ҳолбуки, ёшлар бу кўриққа онгли равишда боришлари керак. Никоҳ билан боғланаётган одамнинг соғлигини билиш уларга жуда муҳимдир.

Айниқса, ўсмирлик даврида қизларда қатор ўзгаришлар кузатилади. Оналар бу даврда жуда ҳушёр бўлишлари, қизлар қонида гемоглобин миқдорини, ички аъзолар соғлигини мунтазам текширтириб боришлари керак. Қизларимизда камқонликнинг қанча эрта олди олинса, шунча яхши. Бугун аёлларнинг кўп муаммоларига камқонлик сабаб. Соғлом турмуш тарзи энг олдин оилада шаклланиши лозим. Ота-она фарзандининг нима кияётгани, нима билан шуғулланиши, ҳатто ким билан дўстлашувини назоратга олсин. Чунки булар-

нинг барчаси саломатликка таъсир қилади. Фарзандларимизни, айниқса, қизларимизни тозалikka ва тартибга ўргатишимиз керак.

Фарзандларимиз эрталаб жисмоний тарбия билан шуғулланишсин. Вақтида овқатланишсин. Овқатларида оқсиллар, углеводлар ва ёғлар миқдори танага етарлими-йўқми – билайлик. Уларга кўпроқ мева ва сабзавотлар едирган яхши. Айниқса, маҳаллий мева-чева-лар, кўкатларнинг фойдаси катта. Болаларнинг тиббий саводхонлигини мунтазам ошириб бориш керак.

## Раҳима Шомансурова:

– Қиз болани оилага тайёрлаш деган гапни кўпчилик бирёқлама тушунади. Бўлажак оналарни камолга етказишда онанинг ўрни беқиёс. Уларнинг одоб борасидаги биринчи муаллимаси – онаси. Агар онанинг ўзи маънан етук инсон бўлмаса, қўлида улғаяётган қизида яхши-ёмон, энгил-оғирга тўғри муносабат ниш урмайди. Сабр, меъёр, кўни-киш, қаноат, муо-мала каби фазилатлар болагақ фақат сўз билангина сингдирилмайди, амалда кўрсатилади.





Бугунги давр нимани талаб қиляпти, имкон қадар билишга, болаларга ҳам англистишга ҳаракат қилайлик. Бизга соддагина кўринган оналаримиз ўз даврида тар-

кўнгли юмшайди, илм берсак, онги ўсади. Ана шу учинчи ишда кўпинча оналар қийналишади. Ҳар бир она фарзандининг камолини кўришни, унинг ҳамма ҳавас қиладиган, билимли, кучли бўлишини истайди. Аммо бу истакка етиш учун онанинг ўзи тарбияли бўлиши керак. Билимли, фаросатли, замон билан ҳамнафас, ақлли оналарнинг фарзандлари эртага жамиятнинг оғирига елкасини тутиб турадиган етук авлод бўлишади.

Насихат қилишнинг энг самарали усули болага ибратли ривоятлар, эртақлар айтиб беришдир. Бу тарбия воситасининг ўзига хос ажойиб хислати бор. Бунда “Қулоғингга ил!”, “Қалбингга сол!” деган буюришлар, жағ чарчатишлар бўлмайди. Таъсири кучли бўлганидан бола қизиқиб эштади, шуурига енгил сингиди ва бир умр хотирида қолади. Қачондир толиқса, руҳига далда бўлади.

**Умида Файзиева:**

– Ота-оналар ўғил болалар саломатлигига ҳам катта эътибор беришлари керак. Негадир фарзандсизлик муаммосида кўпинча айб келинларга юкланади. Аслида эса ҳамиша ҳам бундай эмас.

Ота-оналар назоратсиз қолдирган ўсмирлар тўпланиб ҳаёсиз филмларни кўришади. Натижада бола таназида эрта уйғониш, гормонал бузилиш юз беради. Бу ҳолат бепуштлиқка сабаб бўлиши мумкин.

**Раҳима Шомансурова:**

– Йигит кишининг орномуси жамиятни жаҳолатдан қутқазади. Аҳли оиласини ҳимоя қила олувчи эр йигитни тарбиялаган онага таҳсинлар бўлсин. Қиз болага оналик илмини ўргатганимиз каби, йигитларга ҳам оталик-

дан сабоқ беришимиз лозим. Ёшлигидан мард, бир сўзли, виждонли ўғил, ака, ука ва муносиб ота бўлишга рағбат уйғотиш ҳам онанинг иши.

Болалар дастлаб ҳамма нарса ўзиники бўлишини, барча унга бирдек ғамхўрлик қилишини ишташади. Уларда бошқаларни ўзидан устун қўйиш ҳиссини шакллантириш керак. Фарзандларимизга одамларга яхшилик қилиб, ҳузур туйишни ўргатайлик. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ўзингиз учун яхши кўрган нарсани бошқаларга ҳам раво кўрмагунингизча комил мўмин бўла олмайсиз”, деб марҳамат қилганлар (Бухорий ривояти).

Қадами назоратда бўлган бола андишали бўлиб улғаяди. Ота-онасининг эътиборида экани ўзига ишонч ҳиссини мустаҳкамлайди. Кимгадир кераклигини, ҳаётда ўрни борлигини, унга қўйилаётган масъулият ҳиссини, вазифаларига жавобгарлигини англагани сари қалбида ўзгариш, онгида юксалиш юз беради.

**Зебунисо ҲУСАЙН қизи**

*ёзиб олди.*



бия одобларини билишган. Масалан, олти фарзанд ичида бир мен журналистликни танладим. “Болам, қалам кетмондан оғир”, деган гапни илк бор онамдан эшитганман. Шу йўсинда менга касб масъулиятини тушунтирганлар. Баъзан ёзув-чизув қилиб ярим тунгача ўтирдим. Аммо онам ҳеч қачон мендан олдин ўринларига ётмасдилар. Оналикнинг ҳам гўзал одоблари бўлади. Боланинг қилаётган иши, айтаётган сўзида онасининг ибрати билиниб туради. Айниқса, қиз бола ҳар ишда андозани онадан олади.

Бугун кишилар ўртасидаги муомалаларда қатор нуқсонлар бор, уларни яхши тарбия, яхши китоб ўқиш билан бартараф қилиш мумкин холос. Айримлар, тараққиёт сабаб китоб ўрнини телерадио, компютер эгаллади, дейишади. Тўғри, яхши кўрсатув ё фойдали эшиттиришнинг ҳам тарбияга фойдаси бор. Аммо улар барибир китоб ўқиш билан тенглашолмайди. Яхши китоб ўқиш ва уқишда гап кўп.

Боламизга нон берсак, қорни тўяди, меҳр берсак,



# ИСЛОМ ВА ОЛАМ



## Берлин кино анжуманида



Олмония пойтахти Берлин шаҳрида ўтказилган халқаро кино анжумани Ислом маданияти мавзуларида суратга олинган фильмларга томошабинлар қизиқиши катта бўлди. Олмониялик режиссёр Бурҳон Қурбонийнинг “Имон-эътиқод”, ҳиндистонлик кино усталарининг “Менинг исмим Хон”, босниялик режиссёр Жасмила Збанич суратга олган “Йўлда”, австриялик режиссёр Фео Олатогнинг “Биз ўтганимиздан сўнг” каби қатор томоша асарлари шулар жумласидандир. Бу фильмларда исломий қадриятлар билан Оврупа маданияти ўртасида уйғун ҳаёт йўлини топишга интилаётган замондошларимизнинг бошдан кечирганлари тасвирланган.

Мутахассислар фикрича, ушбу фильмлар фарб оммавий-ахборот воситалари Ислом дини ва мусулмонлар ҳақида тўқиётган ёлғон-яшиқларни фош этишга уриниш сифатида ҳам жуда аҳамиятлидир.

## Исломий санъатлар намоиши



Детройт санъат институтида (АҚШ) Ислом маданияти осори-атиқаларини намоиш этувчи янги доимий кўрғазма зали очилди. Ушбу томоша залига Ўрта Ер денгизи бўйлари, Яқин Шарқ, Марказий Осиё ва

Фарб мамлакатлари музейлари Ислом дини тарихига доир санъат асарларига катта қизиқиш билдиришяпти.

Ҳиндистон ҳудудларида Ислом тарихини акс эттирувчи 170 дан ортиқ санъат асарлари қўйилган. Улар орасида Қуръони каримнинг милодий X асрда кўчирилган ноёб нусхаси ҳам бор.

Шунингдек, ҳозир Нуй-Йорк марказий санъат музейида, Копенгаген (Дания) санъат томошалар уйида, Париждаги “Лувр”, Лондондаги “Виктория ва Алберт” музейларида ҳам исломий санъат намуналари муваффақият билан намоиш этилмоқда.

## Наврўз халқаро байрам

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бош котиби Пан Ги Мун Наврўзни халқаро байрам деб эълон қилди. Бош котибнинг Афғонистон пойтахти Қобул шаҳрида тарқатилган баёнотида:



“Наврўзга халқаро мақом бериш тўғрисидаги қарор ушбу байрам аънавий нишонлаб келинадиган давлатлардагина эмас, балки бутун дунёда кенг эътироф этилганидан далолатдир”, дея таъкидланади.

“Неча ўнлаб асрлардан бери шундай: Қуёш экваторни ошиб ўтиб, Болқон, Қора денгиз бўйи ўлкалари, Қофқоз, Марказий Осиё ва Қозоғистон, Яқин Шарқ мамлакатлари ва бошқа минтақаларга баҳор нафасини олиб келади. Бу мамлакатлар халқлари ўз миллий аъналаридан келиб чиққан ҳолда Наврўзни байрам қилишади. Бу йил Наврўз илк бор расман халқаро байрам сифатида нишонланяпти. Бу байрам халқлар ўртасида аҳил-иноқлик, тинч-товушликни мустаҳкамлашга хизмат қилади”, деб умид билдирди БМТ бош котиби Пан Ги Мун.



**Курилиш жойи аниқ бўлди**

Швеция пойтахти Стокгоlm шаҳрининг ғарбий туманларидан бири Ринкеби мусулмонлари жамоаси бундан бир неча йил олдин маҳаллий ҳокимиятдан масжид қуришга рухсат сўраган эди. Ниҳоят, яқинда шаҳар маъмурияти бу илтимосни қондириб, қурилиш жойини кўрсатди. Мамлакатдаги олти-та партия вакиллари ҳокимиятнинг ушбу қарорини маъқуллаб, “Dadens Nyheter” газетасида махсус баёнот билан чиқишди. Баёнотда улар жомеъ қурилиши туманда ижтимоий-маънавий ҳаёт ривожига, хавфсизлик мустаҳкамланишига яхши таъсир кўрсатишидан умидворлик билдиришган.

Масжид қуриладиган жойда ҳозир Ринкеби шаҳрининг собиқ маъмурий биноси бор. Стокгоlm ҳокимлигининг махсус идоралари ёз бошлангунича бу ерни Швеция Ислом уюшмаси ихтиёрига ўтказишлари керак.

**Янги кенгаш тузилади**

Россия Федерацияси шимолий минтақалари имомларининг ягона кенгаши ташкил этиладиган бўлди. Карелия Республикаси муфтийи Висом Бардвил ана шу ҳақда маълум қилди. Унинг айтишича, ёз ойлари Россиянинг шимолий ҳудудларида бўладиган “оқ тунлар” боис мусулмонлар учун бомдод ва шом намозлари, рамазонда эса саҳарлик ва ифторлик вақтларини белгилашда қатор муаммолар юзага келаётир. Муфтий Висом Бардвил яқинда Мурманск вилоятига сафар қилганини, у ерда ҳам худди шундай муаммолар борлигини айтди. У янги тузилажак кенгаш жуғрофий шароитлари ўхшаш ҳудудлар, масалан, Скандинавия, Канада мамлакатларида ушбу масалалар қандай ҳал этилганини ўрганиши зарурлигини таъкидлади. Архангенлск вилояти, Коми Республикаси каби шимолий минтақада жойлашган маъмурий бирликларнинг муфтийлари, имомлари ҳам янги кенгаш ишида иштирок этишади.

**Миллий анъаналар асосида**

Чувашистоннинг Ботиров тумани Шиғирдон қишлоғида тарихий жомеъ кўринишида бир масжид қурилиши (2008 йил бошланган) ниҳоясига етай деб қолди. Бир вақтда 1200 киши ибодат қила оладиган жомеънинг очилиш маросимини шу йил июн ойида, Чувашистон Республикаси ташкил этилганининг 90 йиллиги тантаналари олдидан ўтказиш режаланган. Шиғирдон қишлоғида ҳозир беш мингдан ортиқ аҳоли (асосан татарлар) яшайди.



Чувашистон мусулмонлари минтақавий диний бошқармаси раиси Албир Крганов айтишича, нафақат масжид биноси қурилиши, балки ички безак ишлари ҳам қадимий булғор-татар анъаналари асосида амалга ошириляпти. Шу мақсадда безакчи усталар маҳаллий музейларда, Эрмитажда сақланаётган ўрта аср татар халқ амалий санъати намуналарини ўрганиб чиқишди. Хонақоҳга тўшаладиган гиламларни ҳам миллий безаклар билан Чувашистоннинг Шумерли шаҳри хунармандлари тўқишяпти.

**Остонада анжуман бўлади**

Шу йилнинг июн ойида Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида диний бағрикенглик тарғиботи ва Ислом динини ёмонотлиқ қилиш (исломофобия)га қарши кураш масалаларига бағишланган халқаро анжуман ўтказиладиган бўлди. Қозоғистон Сенати депутати, ОВСЕ раиси вакили Одил Аҳмедов билан ИКТ раҳбарияти вакиллариининг Жидда шаҳрида бўлган учрашувида ана шу ҳақда маълум қилинди.



Томонлар Остона шаҳрида бўладиган халқаро анжуманда ИКТ вакиллари гуруҳи қатнашиши юзасидан келишиб олишди.

**Исландия мусулмонлари**

Арктика ҳудудига кировчи ушбу оролда 1997 йили Исландия мусулмонлари уюшмаси тузилган, фаластинлик Салмон Тамимий

ташкilot асосчиси бўлган эди. Ўшанда бутун мамлакатда бир неча ўн нафар мусулмон бўлса, улар орасида туб аҳоли вакиллари жуда озчилик эди.


Хозир эса аҳвол ўзгарган. Охирги маълумотларга кўра, мамлакатда 1700 мусулмон бўлса, улардан тахминан 500 нафари исланд халқи вакиллари дидир. Исландия пойтахти Рейкьявик шаҳрида хозирча жомеъ масжиди йўқ.

### Америка ва Ислом олами



Ислом Конференцияси Ташкilotининг таълим, фан ва маданият масалалари бўлими ISESCO яқинда ушбу муассаса бош директори Абдулазиз Усмон Тувайжирийнинг “Америка ва Ислом олами” номли китобини инглиз тилида нашрдан чиқарди, Китоб сўзбошисида муаллиф Америка билан Ислом олами ўртасидаги муносабатлар кўпқиррали, уларни ҳар жиҳатдан аниқ-тиниқ ўрганиб чиқиш фойдали эканини ёзади.

### Қуръонни ўрганиш биринчи бутунжаҳон анжумани



Бутунжаҳон Ислом Лигаси қошидаги Қуръони каримни ўрганиш халқаро ташкilotи шу йил 6–8 май кунлари муқаддас Қуръони каримни ўрганиш бўйича биринчи бутунжаҳон анжуманини ўтказди. Анжуман ҳомийи Саудия Арабистони Подшоҳлиги қироли, икки муқаддас масжид ходими Абдуллоҳ ибн Абдул Азиз Сауддир.

Бутунжаҳон Ислом Лигаси бош котиби, Қуръони каримни ўрганиш бутунжаҳон ташкilotи кенгаши раиси доктор Абдуллоҳ ибн Абдул Муҳсин Туркий айтишича, ҳозир анжуманни ташкilot этиш бўйича махсус қўмиталар тузилган, бир неча йўналиш лойиҳалари ишлаб чиқилган.

Анжуманда Ислом Тараққиёти банки президенти Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Али, Ўрдун ҳошимийлар қироллиги бош қозиси Муҳаммад Халил, Нигерия исломий таълим ва вақфлар ташкilotи президенти Аҳмад Лимо, Қувайт вақф ишлари вазирынинг ўринбосари

Абдуллоҳ Маҳдий Барак, Марокаш Ислом тарғиботи жамияти президенти Али Рисуний, Қуръони каримни ўрганиш жамғармалари раҳбарлари Абдул Ҳасиб Ҳасан (Индонезия), Абдул Ҳақ Ҳалим (Бангладеш) Фарид Улайз (Франция) ва бошқалар иштирок этишади. Шунингдек, анжуманга дунёнинг турли университетларидан олимлар, ўқитувчилар таклиф қилинган.

### Динларни ёмонотлиқ қилишга қарши

Бирлашган Миллатлар Ташкilotининг инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши Ислом Конференцияси Ташкilotига аъзо мамлакатлар ташаббуси билан “Динларни ёмонотлиқ қилишга қарши кураш” тўғрисида резолюция қабул қилди.

БМТ кенгашининг шу йил 1–26 март кунлари Женева шаҳрида ўтган 13-сессиясида ушбу масала муҳокама этилди. Жумладан, ғарбнинг айрим оммавий ахборот воситалари неча йиллардан бери билиб-билмай Ислом дини, мусулмонлар тўғрисида хато тасавурларни ёйишга уринишаётгани қораланди.

Резолюция муаллифлари қўпоровчилик, террор ҳеч бир дин, миллат ёки этник бирликка хос ҳодиса эмаслигини таъкидлашди.

### Қирим хонлиги маданияти

Симферопол шаҳридаги Ислом маданияти марказида “Қирим хонлиги даврида маданият ва турмуш” мавзусида халқаро анжуман бўлиб ўтди. Анжуманни “Амал” ташкilotи жамоат ташкilotлари Бутунукраина “Алраид” уюшмаси ёрдамида ўтказди. Ушбу анжуман “Миллий-маданий тикланиш” номли умумий дастур доирасида қирим-татар халқи маданияти, адабиёти, турмуши ва маънавиятини тарғиб этишга бағишланган илк тадбир бўлди.

Анжуманда таниқли тарихчи, қадимшунос, санъатшунос олимларнинг Қирим хонлиги маданиятига доир мавъизалари тингланди.



# КЎРАР КЎЗЛАРНИНГ НУРИ ИЛМДАНДИР



Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат мурраккаб ва зиддиятли давр — юрт бошига ташвиш тушган бир замонда яшаб ижод қилди. Бинобарин, XIX аср иккинчи ярмида миллий ўзликни англаш ғоялари олдин унинг асарларида бўй кўрсатди. Шоир ўшанда юртнинг “...гулшани хазон бўлиб, булбуллар ўрнини зоғлар эгаллаган” идан изтироб чекади. Ватан ва миллат бошига келган оғир мусибатга муолажа излайди.

Халқнинг замона аҳволидан огоҳ бўлмоғини, жаҳолат уйқусидан уйғонмоғини, илм-маърифатдан баҳра олмоғини орзу қилади.

**Жаҳон баста кушоди илм бирла,  
Надур дилни(нг) муроди илми бирла.  
Кўнгулларни(нг) сурури илмдандир,  
Кўрар кўзларни(нг) нури илмдандир.**

Шоҳ Машраб шеърига тазмин ўлароқ битилган ғазал охирида шоир жоҳиллик, кибр иллатларидан огоҳ бўлишга чақиради:

**Фурқато, айғил такаббур аҳлига Машраб деди:  
“Қатраи обиға ҳаргиз моуман лозим эмас”.**

Бу сингари шеърлар инсон сийратига тутилган кўзгу. Бу кўзгуда Одам болаларининг малоҳати ҳам, қабоҳати ҳам ёрқин кўринади. Инсоннинг ботинига назар солиш, унинг моҳиятини англаш ва англашишга уриниш Фурқат шеърятининг хос хусусиятидир. Шоирнинг “Ё Раб” радибли ғазали бундай бошланади:

**Қаройгон дилга берил  
нури покингдин зиё, ё Раб,  
Кетиб занги гунаҳ, ойинадек  
топсун жило, ё Раб.**

Шоир “занги гунаҳ” деганида нимани назарда тутган? Муборак ҳадислардан бирида бундай дейилган: “Мўмин киши гуноҳ иш қилса, қалбида бир қора нуқта пайдо бўлади. Агар тавба

қилиб, у гуноҳдан бутунлай қайтса, қалби покланади. Мабодо гуноҳни кўпайтираверса, қалбидаги қора нуқта яна ҳам каттароқ бўлади”. Ушбу байт ана шу ҳадиснинг гўзал назмий талқинидир.

**Иноят айлағил, чиқсун  
кўнгулдин мосиво меҳри,  
Бўлай тарки ҳавас қилмакда  
Адҳамдек адо, ё Раб.**

Байтда Иброҳим Адҳам номини келтириш орқали талмеҳ санъати қўлланиб, фикр таъсирчанлиги оширилган, тасвир бадиияти кучайган. Таъкидлаш керак, ҳавас тарки дунёни тарк этиш дегани эмас. Афсус, тасаввуф таълимоти ва унинг мумтоз адабиётимизга таъсири масалаларига бағишланган айрим тадқиқотларда бир-бирдан кескин фарқ қиладиган бу икки тушунча аралаштирилиб юборилган. Иброҳим Адҳам таркидунёчилик тимсоли сифатида талқин этилади. Бу талқин тасаввуф таълимоти моҳиятига асло тўғри келмайди. Тасаввуфда таркидунёчилик йўқ, балки ўткинчи дунё бойликларига муҳаббатни тарк этиш бор.

Хондамирнинг “Макоримул ахлоқ” асарида ҳазрат Алишер Навоий ҳақларида “...ҳеч қачон ҳиммат этагига фоний дунё молига муҳаббат губорини, бу жаҳон ашёсига қизиқиш гардини юқтирмаган”, дея таъриф берилади. Бу таърифда ҳам дунёни эмас, дунёга бўлган муҳаббатни тарк этиш хусусида сўз бормоқда. Шу маънода Иброҳим Адҳам таркидунёчиликнинг эмас, балки мол-дунёга муҳаббатни тарк этишнинг тимсолидир. Фурқат “тарки ҳавас” деганида шунга ишора қилган.

**Нурбой АБДУЛҲАКИМ,  
филология фанлари доктори**



## Маърифат Зиёсин таратган элмиз

### Ўзимизга ўхшайлик

Бизлар киммиз? Қалблар ғурурга тўлиб,  
Ҳақ азиз этган озод миллат! – дермиз.  
Рўйи замин аро чароғбон бўлиб,  
Маърифат зиёсин таратган элмиз.

Қадимизни ростлаб, англаб ўзликни,  
Манзилга йўл олдик, мадад бер, Худо.  
Ўзига беклигида сақла ўзбекни,  
Беклик рамзидир боши узра Ҳумо.



Имон-эйтиқодни тутиб муқаддас,  
Юртдошларим, жонни жонга қўшайлик.  
Турланишлар, ғайрига тақлидлар бас,  
Келинг, энди ўзимизга ўхшайлик.

Йиллар ҳукм сурган мустабид тузум,  
Илдизимиз қирқмоқ бўлди беомон.  
Топталди қадрият, мерос, урф-удум,  
Эрк деб, эл деб мард ўғлонлар берди жон.

Мустақиллик эди диллар матлаби,  
Бу умидбахш кунларга етиб келдик.  
Шарпалардан чўчиш сенга ярашмас,  
Халқим, шерсан, бўл доим шердек!



### Шукрона

Ҳақ бандаси, элга фарзанд,  
Шукр, лойиқ ул бўлсам.  
Бор не армон, яна не кам?  
Наздинда мақбул бўлсам.

Очилдим пок гулистонда  
Мен хандон гул бўлсам, шукр.  
Вақт етиб, фасли хазонда  
Гар сўлдирсанг, сўлсам, шукр.

Шукр, олган ҳар нафасга,  
Дариг тутмай Сен ҳавони.  
Қушдек солмай тор қафасга,  
Шукр, бердинг кенг маъвони.

Шукр, етсам шомдан тонгга,  
Ҳақни ёдлаб, ўтган онга.  
Осий ул, ким шукр қилмас  
Қатра сувга, бурда нонга.

Бойликдир қаноат ганжи,  
То қўлда у, айла шукр.  
Чексанг ҳалол луқма ранжин,  
Шукри вожиб амал шулдир.



### Сўз

Сўзнинг қадри – маъно мағзин чақмоқ билан,  
Қоқилтирар сергапни тил - чопмоқ билан.  
Киши ҳоли билинур очса оғзин,  
Доно сири ниҳон лабни ёпмоқ билан.  
Суҳбат чоғи бир нодон икки бўлар  
Тортишса гар ақлли аҳмоқ билан.

### Ҳушёр бўл

Юз савоб оз, бор унинг минг ўғриси,  
Гар ғафлатда қолсанг, чангал ургуси.  
Амалим кўп деб зинҳор мағрур бўлма,  
Ажринг хирмонин риё совургиси.





## Қишдан не ғам

Баҳору ёз, кузақда эсган елдай,  
Қолдим зумда ўтганин билмай.  
Соч-соқолга тушди қор-қиров,  
Қиш қистар, бўл қаҳратонга шай!

Музлатмоқчи мени қаҳратон,  
Лек турибман мисли қаҳрамон.  
Қўрқитма, эй қаҳри қаттиқ қиш,  
Халоскор бор ҳомий, меҳрибон!

Мадад сўрсам хатарли чоғда,  
Мавлом мени қўймағай доғда.  
Боғи Унинг ҳамиша баҳор,  
Қишдан не ғам, жой берса боғдан.



Урганч

Мардон БҶРИЕВ

## Менинг равон йўлим бор

Ариқда сув оқади,  
Шилдираши ёқади.  
Шу ариқнинг бошида  
Балиқ сузар кўлим бор.

Атиргулнинг гунчаси,  
Очилди тугунчаси.  
Очилишин кузатган  
Ошуфта булбулим бор.


Баҳор, юргин мен билан,  
Айтамиз қирда ўлан.  
Оқу сариқ бойчечак —  
Илк очилган гулим бор.

Мевали боғларим кўп,  
Арчали тоғларим кўп.  
Туя-йилқи ўтлаган  
Поёнсиз дашт, чўлим бор.

Бойчибордай отимдан,  
Алпомишдай зотимдан,  
Қувонмайин бўлурми,  
Менинг равон йўлим бор.

Олтинсой

## Бувамнинг дуоси



Рўза кунлари эди. Иф-торликка дастурхон тузаётиб, сўрида ўтирган бувамнинг жимгина йиғлаётганларини кўриб қолдим. Бувам “Зиё” кўрсатувидан таъсирланибдилар. Ёнларига бориб ўтирдим. Шунда буважоним бошимни силаб, “Сенга ҳам Аллоҳ таоло шу кўрсатувда қанташаётган ёшлар каби фойдали илмлар ато қилсин”, деб дуо қилдилар. Шу кундан “Зиё” кўрсатувларига қизиқишим ортди. Ҳозир Тошкент Ислон университети қошидаги академик лицей ўқувчисиман. Яқинда “Зиё” кўрсатувида қатнашдим. Афсус, раҳматли буважонимга дуолари ижобатини кўриш насиб қилмади.

Сайёра ТУРСУНОВА,  
Тошкент

## Ўқитувчиларга маъқул бўлди

Журналнинг шу йилги иккинчи сонидан чоп этилган “Эрмакка айланаётган эҳтиёж” мақоласи биз ўқитувчиларга маъқул бўлди. Мақолада кўл телефонининг зарарларини мутахассислар яхши тушунтириб беришган.

Кўп ёшлар кўлида телефон, кулоқларида эшитгич мосламалари билан дарсда бемалол ўтиришади. Ёки дарсга қатнашмай, интернет-хоналарга кириб, ҳар хил урйиқит филмларни кўришади, тайинсиз, ахлоқни бузувчи кўшиқларни эшитишади. Бундай одат уларнинг онгу шуурига қанчалар салбий таъсир қилаётганини тасаввур қилиш қийин эмас. Баъзан ўқитувчи дарс пайти телефонини ўчириб қўймаган талабага бирор чора кўрса, эртасигаёқ ота-онаси келиб, ёнини олишади...

Менимча, баъзи ота-оналар ҳамон фарзандига нима фойда-ю, нима зарар бўлишини яхши билишмайди...

Ҳайдарали НАЗАРОВ,  
Жиззах



# УМРИМИЗНИ УЗАЙТИРАДИГАН АМАЛ

Динимиз қариндош-уруғлар билан яхши алоқада бўлишга, оғир-енгилда уларни кўлаб, далда бериб туришга буюради. Пайгамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Ким Парвардигорига тақво қилса ва қариндошликни боғласа, моли кўпаяди, ўлим муддати ортга сурилади, яқинлари уни яхши кўради», деганлар (*Ибн Умар*). Ўзаро ёрдамлашиш, ҳол сўраш кўнгилларни бирлаштиради, олис йўлни яқин қилади, муҳтожларнинг ҳожатини чиқаради. Энг муҳими, Аллоҳ таолонинг розилигига эриштиради.

﴿ إِنَّ اللَّهَ يَأْمُرُ بِالْعَدْلِ وَالْإِحْسَانِ وَإِيتَايِ ذِي الْقُرْبَىٰ وَيَنْهَىٰ عَنِ الْفَحْشَاءِ وَالْمُنْكَرِ وَالْبَغْيِ ۗ يَعِظُكُمْ لَعَلَّكُمْ تَذَكَّرُونَ ﴾

Қуръони каримда: «Албатта, Аллоҳ адолатга, эзгу ишларга ва қариндошга яхшилик қилишга буюради ҳамда бузуқчилик, ёвуз ишлар ва зулдан қайтаради. Эслатма олурсиз деб (У) сизларга (доимо) насиҳат қилур» (*Наҳл, 90*), дейилган.

Меҳр-оқибат ва яхшилик имон ва тақво йўлининг ажралмас қисми. Афсус, кибру ҳасад билан, арзимаган мансаб-мартабани

деб юз кўришмас бўлиб кетаётганлар бор. Уларни яраштириб қўйиш барчамизнинг вазифамиз.

Қариндошларига ёрдам бериш, яқинларининг ҳолидан хабар олиб туриш вожиб амалдир. Ука ва сингилларига ака ота

ўрнида, опа она ўрнида бўлади. Жаноби Пайгамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Ким умрининг узун бўлишини, ризқининг кўпайишини истаса, ота-онасига яхшилик ва қариндошларига меҳр-оқибат қилсин», деганлар. Баъзи бировларнинг: «Акам ишини ўнглаб, машина, ҳовли олган. Мен озгина қарз сўрасам, ўзинг ишлаб топ, деб уришиб беради. Ҳеч бўлмаса, укам деб озгина ёрдамлашиб турмаганидан хафаман», деяётганларини эшитиб қоламиз. Бундай одамларга Юсуф (алайҳиссалом) ва ака-укаларининг муносабатлари етарли ибратдир. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Уч нарса яхшигаю ёмонга қилинаверади: Қариндошларга меҳр-оқибат яхшига ҳам, фожирга ҳам қилинади. Омонатга риоя яхшига ҳам, ёмонга ҳам адо этилади. Аҳдлашилса, яхшига ҳам, ёмонга ҳам вафо қилинади», деганлар. Айтиш мумкин, уканинг гап уқмас бўлишига кўпинча аканинг етарли меҳр кўрсата олмани ёки аёлларнинг макри сабаб бўлади. Ҳолбуки, гуноҳ ишни қилишга ундаган ҳам шу гуноҳни қилган кабидир.

Одатда яқин кишисини йўқотганлар «Воҳ, жигарим!..» деб ғам чекишади. Чунки жигар юракка туташ, қалбга яқин аъзодир. Айримлар: «Қариндошимга берадиган ҳеч вақоим йўқ, қуруқ қўл билан кўргани боришга уялпман», деб қолишади. Аслида бориб унга салом беришнинг ўзи энг яхши дуо, катта тухфадир. Аллоҳ таоло: «*Кимнинг қариндошлари билан алоқаси узилса, Мен билан унинг ўртасидаги алоқа ҳам узилади*», дея марҳамат қилган (*Қудсий ҳадис*). Шу боис Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қариндош-уруғлар билан саломлашиб, ҳол-аҳвол сўраб бўлса ҳам, доимо меҳр-оқибат кўрсатиб туришни тавсия қилганлар.


Меҳр-оқибат ипининг узилиши юракларга жароҳат солади. Бу ярани тузатиш осон эмас.

Хуршид РЎЗИЕВ





Абу Хурайра (розий-аллоҳу анҳу) ривоят қилади: «Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) “Аллоҳ таоло аксиришингизни яхши кўради, эснашингизни яхши кўрмайди. Агар бирингиз аксирса, Аллоҳ таолога ҳамд айтсин. Унинг ҳамд айтганини эшитган ҳар бир мусулмон Ярҳамукаллоҳ дейиши лозим. Бу



каллоҳ” дуосининг маъноси “Аллоҳ таоло сизга берган неъматни билганингиз учун, раҳмат ёғдирсин” демақдир.

Агар киши аксириб, ҳамд айтса, эшитган одам унга соғлик, Аллоҳ таолонинг раҳматини сўраб дуо қилса, уларнинг бир-бирларига меҳр-муҳаббатлари кучаяди.

## АКСИРИШНИНГ ХИСЛАТЛАРИ

аксириб, ҳамд айтган кишининг ҳақидир. Эснаш шайтондандир, агар эсноқ келса, иложи борича уни қайтарсин. Киши эснаса, шайтон ундан хурсанд бўлади”, деганлар» (Имом Бухорий).

Аксирувчи ўз аъзоларига зарар етказмаслик ва ёнида ўтирганларни безовта қилмаслик учун акса овозини мумкин қадар пастлатиши, атрофдагилар эшитадиган қилиб ҳамд айтиши ва оғиз-бурнини тўсиши одобдандир. Абу Хурайра (розийаллоҳу анҳу): “Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) агар аксирсалар қўлларини оғизларига қўядилар ва овозларини пасайтирадилар”, деганлар (Абу Довуд ва Имом Термизий).

Аксириган одамнинг ҳамд айтганини эшитган киши «Ярҳамукаллоҳ» деб уни дуо қилиши лозим. Эшитганлар кўп бўлса, улардан бири дуо қилса етади.

Абу Мусо (розийаллоҳу анҳу) айтади: «Мен Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Агар бир киши

аксирса, лекин ҳамд айтмаса, унга жавоб қайтарманглар”, деганларини эшитдим».

Бир вақтда кетма-кет уч мартадан кўп аксирган одамга ҳам жавоб қайтарилмайди. Чунки бундай аксириш касалликдандир.

Аксириган киши ҳам жавоб қайтарган одамга Аллоҳдан раҳмат, хидоят, салоҳият ва хотиржамлик сўраб, дуо қилиши вожибдир. Абдуллоҳ ибн Умар (розийаллоҳу анҳу) аксириб ҳамд айтганларида у кишига “Ярҳамукаллоҳ” дейишди. Шунда у зоти шариф: “Ярҳамукаллоҳ...” дедилар (“Муватто”).

Аллома Ҳалимий айтади: “Аксириш фикрлаш, ҳис қилиш аъзолари – асаб томирлари ва миядан турли касалликларни кетказди. Шунинг учун аксириган одам Аллоҳ таолога ҳамд айтиши лозим бўлади”. “Ярҳаму-

Этибор қилинг, аксириш ўзи ёқимли, бунинг устига шифоли ҳам. Ҳамд айтиш, унга жавоб қайтариш асло қийин эмас. Шундай ёқимли ва осон ибодат туфайли орамизда меҳр-муҳаббатни ва аҳил-иноқликни кучайтириши Аллоҳ таолонинг мўминларга нақадар улуғ марҳаматидир.

**Муҳаммадий  
АБДУРАҲИМОВ,**

*Имом Бухорий номидаги  
Тошкент Ислам институти  
битирувчиси*



*Туркман мумтоз адабиётида Махтумқули, Андалиб, Залилий сингари Муллонафас Қодирберди ўғлининг ҳам алоҳида ўрни бор.*

*Муллонафас 1810 йили Ашхобод яқинидаги Сарахс қишлоғида туғилиб, 1862 йили вафот этади. У Мари ва Бухоро мадрасаларида ўқиган йиллари шарқ мумтоз адабиёти, айниқса, Хожя Аҳмад Яссавий, Низомий Ганжавий, Алишер Навоий асарларини севиб ўрганади. Шу боис туғилганининг 200 йиллиги нишонланаётган Муллонафас ижоди халқимиз учун ҳам ардоқли. Шоирнинг ушбу шеърларини Тошҳовуз тумани Тозаёрмиш қишлоғида адабиёт фидойиларидан Олим Тўраев таржима қилган.*

Баҳодир КАРИМ

## Ризвон каби кўзим қолди йўлларда

### МАРДЛАРНИНГ МАРДОНИДИР

Бахши элида Гажар бой барча элнинг жонидир,  
Мард йигитлар сардори, саркарда султон-хонидир,  
Кеча-кундуз мажлис айлаб, сургани давронидир,  
Ёв куни майдонга кирса, мардларнинг мардонидир,  
Шубҳа йўқ, у барчанинг афзали – инсонидир.

Кўрмадим ундай йигит бу жаҳон бозорида,  
Сўзласа булбул садо боғи жаҳон гулзорида,  
Гўёки қанду асал сўз қурса ҳар гуфторида,  
Йўл етишмас, сакратиб сурса бедов рафторида,  
Ҳар куни чиқса шикор, олам унинг ҳайронидир.

Нон бериб, неъмат сочиб, элларни айлаб сарафроз,  
Нав келиб, нозик жувон қошинда ҳар кун жилвасоз,  
Арғумоқ зебо бедов, асбоби создир, табласоз,  
Шоиру алломалар маҳзини айларлар баёз,  
Олама машҳур ўзи ҳам унинг достонидир.

Ўзидек шеру паланг чиқмас Арафот тоғига,  
Сен каби шайдо учиб, қўнмас Эрамнинг боғига,  
Эр ўзим деган киши етмас оёқ тупроғига,  
Шум фалак чарх урмасин давлат – саодат чоғига,  
Ҳар қилган корин кўриб, халқлар унинг ҳайрондир.

Очларни ошдан тўйдириб, ташналарни қондириб,  
Ҳар тикондан гул узиб, ҳар заҳардан бол ундириб,  
Курашиб душман ила, ёв қўшинни синдириб,  
Хурлари, ризвонлари пешвоз чиқар қўл сундириб,  
Ул куни дастин тутар бир гавҳари имонидир.

### ҲЕЧ КўРМАДИМ ЭЛЛАРДА

Сайр этиб кезганда фоний жаҳонни  
Сендек гўзал ҳеч кўрмадим элларда.  
Кўнглим оромгоҳи – манзил-маконим,  
Шайдо қалбим жўшмас ўзга элларда.



Юрт хуснингга шайдо, кўрмоққа зорман,  
Ишқингда баҳорман, кўйингда норман,  
То ўлгунча йўлларингга қарарман,  
Ризвон каби кўзим қолди йўлларда.

Мис ўзин қиёслар сийму зар билан,  
Муш баробар бўлмиш мурғи пар билан,  
Заҳар ҳамроҳ бўлмиш бир шакар билан,  
Анвар абр ичинда, гавҳар қўлларда.

Ол либосда қиё-қиё боқарсан,  
Зарафшон зулфингни ерга тўкарсан,  
Сайр чиқсанг, оқ оҳудек сакрарсан,  
Оҳу ҳам сакрамас сендай, чўлларда.

### ЧИҚА БИЛМАДИМ

Умид дарёсини қулочлаб сузиб,  
Соҳилни кўзладим, чиқа билмадим.  
Оламни сайр этиб – айланиб-кезиб,  
Не яхши-ёмонга боқа билмадим.

Танладим мен сени улуғ элларда,  
Синаб бардошимни довул, селларда.  
Эрам бўстонида, жаннат гулларда  
Булбул бўлиб қанот қоқа билмадим.

Мажнунман, бошимда йўқдир ташвишлар,  
Сезмадим, дунёда кўп турфа ишлар.  
Олиб бозорлардан олтин-қумушлар  
Туморли кўксингга тақа билмадим.

Ишонгин, савдолар кўпдир бошимда,  
Ўтирсам, ўйлансам, турсам ҳушимда.  
Оқшомдан тонггача ширин тушимда  
Анча ҳавас қилдим, ёта билмадим.

Мендан бир ўзгага кўнгил берсанг-да,  
Кеча-кундуз тинмай даврон сурсанг-да,  
Нафас айтар, таёқ олиб урсанг-да,  
Парвонаман, сендан кета билмадим.



## Кўнгил поклиги катта бахт

Соф кўнгил яхши ниятдан сув ичади. Қалбни ислоҳ этиш, яъни, уни ширк ва нифокдан асраш, ҳасад, гина-кудурат кабилардан тозалашга тиришиш ҳар биримизга вожиб бўлган ишдир. “Ўз айбларини тузатиш билан банд бўлиб ўзгалар айбларидан кўз юмганлар қандай ҳам бахтли одамлардир”, дедилар Сарвари коинот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам).



Кўрганимиз ҳар бир ҳодиса ва эшитганимиз ҳар бир сўз қалбимиз кўзгусидан ўтади. Қалб уларни тафтиш қилиб, хулоса бермас экан, бошқа аъзолар ҳаракатга келмайди. Тириклик, огоҳлик ёки гафлат қалбнинг ҳолатига боғлиқдир. Бошқа аъзолари қалбдаги ниятни амалга оширишади холос.

Амалларга бериладиган савоб қалбни ислоҳи даражасига боғлиқдир. Бир амалга ўн, юз, етти юз, ҳатто ҳисобсиз савоб берилиши ана шундан.

Пайғамбарлар, Аллоҳга яқин валий зотлар қалбларини доим соф тутишган. Улар заррача ҳам ёлғонга йўл беришмаган.

Соф қалбдан чиққан сўз таъсирли, баракотли бўлади. Демак, ҳаммамизга энг олдин қалб ислоҳи керак. Қодир Аллоҳ барчамизни покланган кўнгил билан сийласин.

**Абдумутал ОТАБОЕВ,**  
Зомин тумани

Тежамкорлик, исрофдан сақланиш, мулкка маслаҳат билан тадбирли муносабатда бўлиш, хуллас оилавий иқтисод маданияти юксалса, кундалик ҳаётимиз яхшиланади. Азалдан аждодларимиз сарф-харажатлардан ортиғини оила жамғармасига ташлаб қўйишган. Ҳар йил тўлганида ҳисоб-китоб қилиб, бир қисмини ўстириб боришган. Шу тариқа ҳосил кам етилган йиллар қийинчилигини мўл-кўлчиликда йиғилган мулк билан енгиллатишган.

Ҳадисларда тежамкор кишининг камбағал бўлмаслиги айtilган. Ёшларга иқтисодни тушунтириб, исроф қилишнинг оқибати ёмонлигини

## ОИЛАДА ТЕЖАМКОРЛИК

вақтида етказсак, яхши яшашларини таъминлаган бўламиз. Турмуш муаммолари бизни тежамкор қилиб қўйса ҳам, ҳали билмаганларимиз жуда кўп. Мутахассислар оилада тежамли бўлишнинг: 1) сарф-харажатларни ўртача қилиш; 2) ортиқча ҳой-ҳавасларга берилмаслик; 3) кийинишда, ейиш-ичишда ўртача бўлиш; 4) маросимларда даб-дабага берилиб кетмаслик; 5) ёмон иллатлардан тийилиш; 6) маблағнинг маълум қисмини заҳирага қўйиб, у орқали оиланинг моддий жамғармасини тўплаш каби жиҳатларини санаб кўрсатишган.

Пешона тери билан топилган ризқ тотли бўлса, уни яхшиликка сарфлаш оиланинг катта ютуғидир. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Бирор нарсани сотишда ва харид қилишда ҳамда ҳукм чиқаришда олижаноб бўлган кишига Аллоҳ ўз раҳматини ёғдирсин”, деганлар.

Абу Наср Фаробий: “Одам қашшоқликда яшаганидан кўра, мулкдор бўлиб, ўзига тўқ яшагани яхши. Аммо бошқаларга зарари тегмайдиган мулк орттириш лозим” деб ёзади. Демак, оиламизнинг ҳалол меҳнат билан бойишини таъминлашимиз зарур. Тижорат ва олди-сотдиларда ёлғон аралаштирмасак, оиламиз тинч, топган-тутганимизда барака бўлади.

**Асатулло НОРМУРОТОВ,**  
“Ҳожа Бухорий”  
Ислоҳ ўрта-махсуе  
билим юрти мударриси



# РУХСАТ СЎРАШ ОДОБЛАРИ

Қадим замонларда кишиларнинг ҳақ-ҳуқуқларини шахсий, оилавий сир-асрорларини эҳтиром қилиш маданияти бўлмаган. Яқин оғаниларининг уйига “эрталабки салом, кечки салом”, деб кириб бораверишган. Уйда аёл кишиларнинг борлиги, уй эгаларининг турли ҳолда бўлишлари ҳисобга олинмаган. Афсус, ҳозир ҳам баъзан бу камчиликларни учратамиз. Бундай иш жиддий одобсизлик, гап-сўзларга сабаб бўладиган ҳолат эканини унутиб қўямиз. Ҳолбуки, Ислонда биронта уйга эгаларининг изнисиз киришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Аллоҳ таоло: **“Эй имон келтирганлар! Ўз уйларингдан ўзга уйларга то изн сўрамагунларингча ва эгаларига салом бермагунларингча кирманглар! Мана шу сизлар учун яхшидир. Шояд (бу гапдан) эслатма олсаларинг. Агар у (уй)ларда ҳеч кимни топмасаларинг, унда то сизларга изн берилмагунча, уларга кирманглар! Агар сизларга “Қайтинглар!” дейилса, қайтиб кетинглар! Шу сизлар учун яхшидир. Аллоҳ қилаётган ишларингни билгувчидир”**, деб марҳумат қилган (*Нур, 27–28*).

Бизлар ушбу оятга амал қилиб, бировнинг хонадонига изн сўраб, салом бериб кирсак, ҳар хил ўнғайсиз ҳолатларнинг олдини олган бўламиз. Рухсат сўрамай ки-

рилса, икки томон хижолат чекади, хусумат, уруш-жанжал чиқиши ҳам мумкин. Чунки эркак кишининг аёл бор уйга кириб-чиқиши ёки аёл кишининг маҳрамлари бўлмаган уйга кириши ифво, бўҳтон, фитнага сабаб бўлади. Бу масалада эҳтиёт бўлинса, оилалар бузилиб кетишининг ҳам олди олинади.

Кўз қирини ташлаган киши уй аҳлини ҳар хил ҳолатда кўради ёки улар сир сақлаган нарсалардан хабардор бўлади. Баъзи уламолар кишининг ҳовлисидаги овозларга, гап-сўзларга яширинча кулоқ солишни ҳам ҳаром дейишган.

Агар эшик очиқ бўлса, ҳовлига (уй ичига) қарамасдан эшик қоқиш ё овоз бериб, чақириш рухсат сўрашнинг одобларидандир.



Ҳадисда: «Бир одам Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) эшикларига қараб туриб, изн сўрай бошлади. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унга: “Сен ундоқ ёки бундоқ тур, изн сўраш назардан сақланиш учун жорий қилингандир”, дедилар» (*Имом Абу Довуд*).

Одоб бўйича киши уй эгаси хабар топганидан сўнг исмини айтиб, салом бериб, рухсат сўраши лозим.

Имом Абу Довуд Амр ибн Маъд Сақафийдан ривоят қилган ҳадисда: «Бир одам Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига кириш учун изн сўрамоқчи бўлиб: “Кираверайми, кираверайми?!” деди. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) хизматчи орқали: “Анавининг олдига чиқиб ўргатгин, у рухсат сўрашни билмас экан. Ассалому алайкум, кираверайми, десин”», деганлари айтилган.

Уй эгаларининг қабул қила олмайдиган ҳолатда бўлишларини инобатга олиб, уч мартагача сўралади. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Сиздан бирор киши изн сўраса, уч марта сўрасин, изн берилмаса, ортига қайтсин”, деганлар (*Имом Бухорий ривояти*).

**Фарҳод ҲОМИДОВ,**  
*Имом Бухорий номидаги  
Тошкент Ислон институти  
битирувчиси*

*Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад асари асосида суратга олинган «Келинлар қўзғолони» филмида бир кўриниш бор: Қайнона Фармонбиби ҳеч кимга айтмай уйдан чиқиб кетади. Келинлару ўғиллар бир неча кун уйда бошвоқсиз қолишади. Барча ўзида йўқ хурсанд. Энди ҳамма алоҳида-алоҳида яшайди. «Супурилмаган ҳовлида байрам қилиб бўлмайди», дейдиган қайнона йўқ. Ҳамма истаганича иш кўради...*

## БЎШ ҚЎЙГАНДАН МАҲКАМРОҚ ТУТГАН ЯХШИ

Аслида барча бало инсоннинг ҳоҳлаганини қилаверишидан бошланмайдими? Кино овсинлару ўғилларнинг жанжали билан тугайди. Ол-



динлари бу ҳолни кулимсираб кузатар эдим. Ҳозир эса, Фармонбибининг таслим бўлмагани яхшимиди, деб ўйлаб қоламан.

Бизга таниш оила бир ҳовлига уч келин туширган, аҳил-иноқ яшашар эди. Қайнона оламдан ўтгач, гўё оиланинг устунни кулади. Энди уч келин каттакон ҳовлига сиймай қолди.

Улуғлари бор хонадоннинг файзи бўлакча. Бувию боболари ёнида, уларнинг ҳикояларини, насиҳатларини тинглаб катта бўлган болалар тенгдошлари орасида одобророқ, мулоҳазалороқ кўринишади.

Баъзи келинлар қайнонаю қайнотасидан нолийверишади, бироқ фарзандлари негадир ўша “ёмон” бобоси билан бувисини яхши кўришади. Улардан кўп нарса ўрганишаётганини ички бир туйғу билан сезишади.

«Кўшни келин тиним билмайди, тонг саҳар туриб, ярим кечагача дам олганини кўрмаганман, – деб ҳикоя қилади бир танишим. – Баъзан уй ишларидан ҳеч ортмай қолаётганини айтиб, афсусланади.

Бир гал онам яна нолиш бошлаган келинчакнинг қўлидан боласини олиб: “Ўтиринг, болам, бир оз дам олинг. Фақат қайнонангизни ёмон деманг.

Чунки ҳали у қилган меҳнатларнинг ярмини ҳам қилганингиз йўқ. Қолаверса, у болаларингизнинг тарбиячиси. Яна бир гап: қайнона бўлганингизда, ҳозир ўзингизга ёмон кўринаётган ишларни қилманг”, дедилар. Онаминг келинчакка айтган сўзлари-

дан ҳайратландим. Бу ҳолга онажоним: “Қайтага яхши, пишади, пухта бўлади, ҳаётда қийналмайди, меҳнатдан чўчимайди. Бўш қўйгандан кўра маҳкамроқ ушлаган яхши”, деб изоҳ бердилар».

Бугун баъзи келинларга фарзанду келинларини, набираларини ҳар хил ёмонликлардан, маънисиз ишлардан қайтара биладиган, уларнинг ҳар босган қадамини назорат қиладиган, гўзал урф-одатларимиз, эзгу қадриятларимизни асрай оладиган фармонбибилар керак бўлмаяптими-кан?

**Зумрад ФОЗИЛЖОН қизи**



# БОЛАЛАРНИ БУҚОҚДАН АСРАЙЛИК

**Қалқонсимон без касаллиги нимадан пайдо бўлади? Танада йод етишмовчилигини қандай тушуниш мумкин?**

**Республика эндокринология илмий-текшириш институти шифокори, тиббиёт фанлари номзоди Ҳабиба Рустамова билан суҳбатимиз шу ҳақда кечди.**

— Кўплар йод етишмаслиги фақат буқоқ касаллигини келтириб чиқаради деб билади. Аслида танада агар йод етишмаса, буқоқдан ташқари бир неча аъзо иши ҳам издан чиқади, ҳатто оғир асоратларга олиб келади. Соч тўкилиши, паришонхотирлик, тинка-мадор қуриши, салга асабийлашиш, совқотиш, мушаклар оғриши, озиб кетиш кабиларга ҳам йод етишмовчилиги сабаб бўлиши мумкин.

Бу касаллик, айниқса, ўсмирлар саломатлигига жиддий зарар етказиши мумкин. Танада етарлича йод бўлмаган болаларнинг эслаб қолиш қобилияти сустлашади. Натижада дарсларини яхши ўзлаштиришолмайди, инжик, эринчоқ бўлиши, кўз соққалари чакчайиб қолади. Касалликнинг олди олинмаси, бора-бора бундай болаларда бир қанча нуқсонлар пайдо бўлади.

Одам танасидаги йоднинг етмиш-саксон фоизи асосан қалқонсимон безда бўлади. Йод етишмаса, қалқонсимон без зўриқади ва хужайралар катталашиб буқоқ ҳосил қилади. Буқоқнинг бир неча тури бор. Кўп учрайдиганлари ички, (шишиб чиқмайдиган) тугунли, тугунли-захарли буқоқлар. Ички буқоғи борлар кўпинча ўзлари буни сезишмайди. Уларнинг юраги тез ва тартибсиз уради. Бундай одамлар баъзан ҳаво етишмай, сиқилишади, юрак оғригидан шикоят қилишади.

Тана аъзоларининг хизмати бир-бирига боғлиқ. Бирор жойимиз оғриси, сабаби бошқа аъзода бўлишини сезмаймиз. Шу боис касалликнинг илдизини билиш учун олдин шифокор кўригидан ўтиш керак.

Юртимизда йод етишмовчилигига қарши қатор чоратadbирлар кўриляпти. Бола-

лар истеъмол қиладиган кўп маҳсулотлар йод билан бойитилляпти.

Кўпчилик йодланган ош тузи иишлатиш ҳисобига бу модда танамизда етарли бўлади, деб ўйлайди. Аммо туз таркибида йодни сақлаб қолиш жуда муҳим. Тайёр бўлишига 10-15 дақиқа қолганида овқатга туз ташлаш керак. Агар туз эртароқ солинса, йод бугланиб кетади.

Танамиз йодга зориқмаслиги учун дармондориларга бой мева-чевалар, полиз маҳсулотлари, гулкарам, бодринг, ёнғоқ, хурмо, олма кабиларни тез-тез еб турган яхши. Айниқса, денгиз карамиди йод кўп бўлади.

Беморларнинг эндокринолог шифокор маслаҳатисиз, ўзбошларича йодли дориларни пала-партиш ичишлари хатарлидир.

**Гулчехра ЖАМИЛОВА**

*ёзиб олди.*

